



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ

**“Мустақиллик ва унинг миллий ўзликни англашнинг
юксалиб боришида намоён бўлиш хусусиятлари” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Бажарди: “Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ” таълим йўналиши
битирувчи 4 курс талабаси
Алиханов Қувончбек Абдурасулович**

**ИЛМИЙ РАҲБАР:
доц.Х.Худойбердиев**

ТЕРМИЗ-2012

Кириш

I-боб. Мустақиллик ва ўзликни англаш, миллий ғоя ва мафкуранинг муҳим омиллидир

1.1. Мустақиллик, миллий ўзликни англаш ва миллий мафкуранинг шаклланиши

1.2. Мустақиллик, миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш

II-боб. Ўзликни англашнинг кўринишлари ва хусусиятлари

2.1. Миллий ва умуминсоний ўзликни англаш, унинг хусусиятлари.

2.2. Миллий ўзликни англаш ва тарихий хотирани тиклаш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги:

Ўзликни англаш, миллий ғоя, миллий мафкура тушунчалари кейинги вақтларда тез-тез ишлатиладиган долзарб масала бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар қайси жамиятнинг, шу жумладан, мустақил Ўзбекистоннинг ҳам ўз олдига қўйган аниқ мақсад ва муддаоси мавжуд.

Ўзликни англаш, миллий ғоя, миллий мафкура ана шу мақсадларни ифода этадиган қудратли кучдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов “ Тафаккур” Журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида таъкидланганидек, “мақсад дегани-халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу интилишларини мужассаслаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва халққонийлиги билан ҳаммамизнинг жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, Қулимизда енгилмас бир кучга айлансин”.¹

Маълумки, ўтмишда халқимизнинг табиатига тамомила бегона, жамият онгига мажбуран сингдирилган яккаю ягона коммунистик мафкура ҳукмронлик қилиб келди. Унинг салбий асосратлари ҳозиргача сезилмоқда. Шунинг учун ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон жамиятининг олий мақсадлари ифода этадиган миллий ғоя, миллий мафкуранинг илмий асосларини яратиш ўта муҳим масала бўлиб турибди.

Шунинг очик айтиш керакки, ҳеч қандай жамиять ва миллат ўзликни англашсиз, ғоясиз, мафкурасиз яшай олмайди.

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.-Т:”Ўзбекистон”, 1998,-3-бет.

Дунёдаги ҳар бир инсоний ҳар бир жамиятнинг ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган ғояси, мафкураси мавжуд бўлади. Одамлар қайси бир жамиятда яшамасин нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши, фаолият юритиши, кўрсатиши лозим.

Ўзбекистоннинг, ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мутақилликгининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун ғоя мафкура сув билан ҳоводек зарур. Буни ҳаётнинг ўзи очиқ-равшан кўрсатиб тўрибди. Биз эртанги кунга-келажакка томон кўзни юмиб, тахминларга асосланиб, таваккалчасига иш юритиб бора олмаймиз. Кишилар ҳозирданок биз қайси йўлдан борамиз” ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг қандай шаклини яратамиз, ўз тарихий тажрибамизнинг, жаҳон тараққиёти сабоқларининг қайси жиҳатларидан фойдаланамиз, келажакда Ўзбекистонни қандай қилиб буюк давлатга айлантирамиз, мутақиллик муаммоларини ҳал этиш учун нималарга эътиборимизни қаратишимиз керак, деган ўнлаб-юзлаб саволларга жавоб топмоқлари зарур. Агар халқимизни, миллатимизни қизиқтириб келётган барча саволларга ҳозирданок аниқ, илмий асосланган жавоблар, муҳим йўл-йўриқлар бўлмаса, одамлар бунга қатъи ишонтирилмаса амалий фаолиятимизда хато кетидан хатоликларга йўл қўяверамиз. Бу кутилмаган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ана шундан кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермаслиги учун халқ оммасини умумий мақсад сари якдиллик билан ҳаракатга даъват этадиган янги ғоя, мафкура яратилмоғи керак.

Ғоянинг, мафкуранинг аҳамияти яна шундан иборатки, у жамиятимизнинг ривожланиши, олға томон ҳаракат қилишини асослаштиради, миллатни, барча фуқароларни умумий мақсад йўлида бирлаштиради. Миллий ғоя, миллий мафкура бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ҳис-туйғусини милли ғурур ва ифтихорини, куч-қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган буюк ғоявий кучдир.

Мустақилликнинг тақдири, Ўзбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда ва асосан, одамларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий, баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олишларига бевосита боғлиқ. Жамият тараққиётини, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларини бажаришга оммани сафарбар этишини ғоясиз, мафкурасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Инсоннинг фаолияти унинг илғор ғояга, мафкурага қаттиқ амал ва эътикод қилишига боғлиқ. Жамият маъфаати ва миллий истиқлол йўлида ўзидаги барча билим, қобилият ва истеъдодни бахшида этишга тайёр турган етук инсонлар, уддабурон ёшлар фидойилар бўлмаса Ўзбекистонни дунёда энг бой, илғор давлатга айлантириш мумкин эмас. Мустақил Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамда олий келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган, ана шу ва бошқа вазифаларни, мафкуравий ишларни жонлантормасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Миллий ғоя, миллий мафкура кишиларда миллий маданиятни, Миллий онгнинг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожланишида маҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, у халқимизнинг ва миллатимизнинг куч-қудрати ва имкониятларига, ғоявий-сиёсий жихатдан бир бутун ва яхлитлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган маҳаллийчилик, гурухбозлик, қабила-уруғчилик муносабатларига қарши мурасасиз кураш олиб боришга кенг жамоатчиликни даъват этади. Миллий ғоя, миллий ҳамкорлик, миллий ҳамжихатликнинг кучайишига кўмак беради. Бу етук миллий онг, миллий қадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжихатлик туйғуси заминда шаклланадиган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Кишиларда она заминга бўлган мухаббат қанчалик кучли бўлса, ватанни севиш, юксак даражада эзозлаш тобора кучайиб борса, ҳар бир инсон ўз ватани тарихини, миллий қадриятларини, ўз халқининг тили, маданияти, миллий урф-одатларини мукаммал билса, миллий манфаатларини, миллий тақдири ва истиқболини чуқур англаб етган бўлса, жамиятимиз шунчалик мустаҳкам ва

барқорор бўлади. Ватанимиз бахт-саодати, халқимиз, миллатимиз келажаги, истиқболимиз тақдири ҳар биримиз учун муқаддасдир.

Миллий ғоя, миллий мафкура Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни келажақда буюк давлатга айлантириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Ижтимоӣ адолатни, демократияни тўла қарор топтириш, миллатимиз ва мамлакатимиз истиқболи муаммоларини ҳал этишни биринчи ўринга қўйиш йўлида аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган ҳилма-хил билимлар ва ҳулосаларнинг муайян тизимидир. Миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Миллий ғоя халқимизнинг миллий қадриятларига ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланади. Улар миллий ғоянинг тамал тошини ташкил этади. Миллий, умуминсоний қадриятлар, ахлоқий, бадиий, фалсафий, диний, ҳуқуқий қарашлар ва ғоялар мафкурамизнинг инсонпарварлик моҳиятини янада тўлдиради ва бойитади. Заминни мустаҳкамлайди, таъсирчанлигини оширади, амалий аҳамиятини кучайтиради.

Миллий ғоянинг яна бир муҳим томонларидан бири ўзликни англаш ва тараққиётнинг пойдевори эканлиги масаласидир. Ўзликни англашсиз миллатни, мамлакат тараққиётини тассаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўзликни англашнинг миллий ғояда акс этиши битирув малакавий ишимизнинг объекти қилиб олганмиз.

Ўзликни англашнинг миллий ғояда акс этишини долзарблигини қўйидагича таърифлаш ўринлидир.

Биринчидан, Ўзликни англаш инсон ҳаётининг узвий қисми бўлиб, у сув ва ҳаво каби инсон ҳаётининг доимий эҳтиёжига айланиб кетишига қарамасдан, ҳозриги кутбчилик шароитида ҳам мафкуравий курашнинг кескинлашиб кетиши жиддий таҳдид ва хатарли хавфларни келтириб чиқарди. Бу аввало инсоният ўзини таний бошлаган даврлардан бери туплаб келган маънавиятда инсон ўзини англашга, маънавиятни англашга, қарши қаратилгандир. Шунинг учун ҳам ўзликни англашни таҳдид этиш заруриятга

айланиб бормоқда. Чунки башарият ўз ҳаётини, ўзининг қудрати, ақл-заковати билан бунёд этган. Буюк севилизация ютуқларидан ҳозирги вақтида тасарруфида бўлган ялпи қирғин қуроли ёки оддий нодонлик туфайли юз бериши мумкин бўлган технологик, экологик ҳолатлар, ахлоқий бузилишлар орқали жудо бўлими ҳеяч гап бўлмай қолди. Бундай ҳалокатни олдини олиш учун, инсониятни огоҳ этиши, аввало унинг маънавий-руҳий дунёсини уйғотиш ҳал қилувчи аҳамият касб эгалламоқда.

Иккинчидан, Биз етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида материя ва моддий қадриятлар асосий ўринга қўйилган, маънавий ҳаёт инкор этилган атеистик тузумни ва унинг фожеаларини бошдан кечирдин бинобарин, маънавиятнинг, ўз-ўзини англашнинг, иносн ва жамият ҳаётида қандай муҳим ўрин тутишига, бу масалага эътибор бермаслик қандай машум оқибатларга олиб келиши мумкинлигига ҳаётнинг аччиқ тажрибалари асосида ишонч ҳосил қилдик. Энди ана шу ўтмиш асоратларида қутилиб, асл миллий ўзликимизга қайтаётганлигимиз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга эришиш, турли таҳдид ва ҳурурларга мустаҳкам қарши кураш олиб бориб маънавиятдан қудратли қурол сифатида фойдаланиш зуррати, аввалам бор бу ҳодисани ҳар томонлама тушуниш ва англашни кун тартибига жиддий вазифа қилиб қўйгани табиийи, албатта.

Учинчидан, ўзликни англаш, унинг миллий ғоя ва миллий мафкурага акс этишига, ўзликни англаш аввало маънавият ҳодисаси эканлигига ҳолис ва ҳаққоний баҳо бериш, унинг жамият давлат ҳаётидаги ўрни ва ролини ҳар томонлама чуқур ёритиш учун инсон бу мужизани ҳамиша ўз ҳаётининг устивор қадрияти сифасида улуғлаб келган буюк халқ ва миллатга мансуб бўлиб ана шу муқаддас заминда озиқланиб яшаган бўлими алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, халқимизнинг онгу тафаккурида ўзликни англаш, сўзи ниҳоятда ўлкан серққира маънога эга бўлиб, у билан боғлиқ ижтимоий мазмун ва амалий фаолият меъзонлари ҳаётимизнинг барча соҳаларини белгилайди ва бу тушунчанинг моҳиятини очиб бериш учун асос бўла олади.

Тўртинчидан, ўзликни англаш, миллий ғоя, миллий мафкура таркибига кирадиган инсонийлик, адолат, ҳақиқат, ҳололлик, меҳр-оқибат, вафо ва садоқат, дину диёнат, анъана ва қадриятлар ҳақида янги-янги асарлар яратилмоқда. Ўзликни англаш кўп қиррали тушунча бўлгани учун, бу масалани яхлид холда тадқиқ этиш ўз изланувчисини кутмоқда.

Бешинчидан, ўзликни англашни ҳамма ҳам ҳис этиши мумкин. Лекин ўта ва нозик мураккаб бўлган бу ходисани доимий ва мутассил ҳаракатдаги жараён сифатида ҳар томонлама тушуниш бошқаларга ҳам илмий ва ҳаётий асосда тушунтириб бериш учун алоҳида тайёргарлик тажриба, махсус билим, теран тафаккур ва замон талабларини ўзига сингдириб олган инсоний қалб бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Зеро, давр руҳи, замон талаблари, ижтимоий тараққиёт тамойиллари ва инсоний ривожининг ҳаракатлантирувчи кучлари теран англаб олинганида миллат ва жамият тақдирига катта таъсир кўрсатувчи муаммолар ечиб бериладиган ниҳоятда муҳим асарлар дунёга келиши тарихий ҳақиқатдир.

Шу боисдан келиб чиқиб, мавзунинг долзарблигини қисқача қилиб қўйидагича изохлаш мумкин.

Биринчидан, ўзликни англашсиз ижтимоий тараққиётда содир бўлаётган ўзганришларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас;

Иккинчидан, И.А.Каримов таъкидлаганидек, миллий ғоя, миллий мафкурани ўзликни англашсиз англаб бўлмайди;

Учинчидан, айниқса мафкуравий кураш кескинлашган шароитда миллий ғоя, миллий мафкура, ўзликни англашни кучвйтирмасак, унга таҳдидлар кучаяверади;

Тўртинчидан, турли ёт, зарарли, бегона ғояларга курашишда ўзликни англаш муҳим ўрин эгаллайди;

Бешинчидан, И.А.Каримов ўзининг кўплаб асарларида таъкидлаб ўтганидаек ўзликни англаш муҳим ғоявий мазмунга ҳам эга.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари:

Биринчидан, ўзликни англаш тушунчасини маъно, мазмунини очиш, чунки мустақиллик шароитида республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг диққат эътибор берган масалаларидан бири ўзликни англашнинг миллий мафкурани шакллантириш жараёни билан боғлиқлига ташкил қилади. Ўзлигини англамаган миллатнинг эртаси йўқ, унинг келажаги ҳам бўлмайди;

Иккинчидан, миллий ғоя ва ўзликни англашни ўзаро алоқаси, ўзликни англашни шакллантириш жараёнида миллий ғоянинг роли ва ўрнини аниқлаш масалаларини ўзимизга мақсад қилиб олганмиз;

Учинчидан, ўзликни англашни ўзига хос кўринишлари бўлган миллий ва умуминсоний ўзликни англашнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш;

Тўртинчидан, ўзликни англаш жараёнида тарихий хотирасини тиклаш масалаларини анализ қилиб беришдан иборат.

Юқоридаги мақсадларимиздан битирув малакавий ишимизда қуйидаги вазифаларни баён этишни ўзимизга вазифа қилиб олганмиз:

1. Бирон миллат, элат, халқни, мамлакатни ўздикни англашсиз, ғоясиз, мафкурасиз, миллий ғоясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун миллий ғоя миллатнинг мақсад, муддао, орзу-умид, ният, интилиш, манфаатларини ўзида акс эттиришни битирув малакавий ишимизда баён этишни ўзимизнинг вазифамиз деб қабул қилганмиз.

2. Инсон ҳаётида ўзликнинг, ўзини ўзи билишнинг, ўзига ўзи баҳо беришнинг, қисқаси ўзликнинг англашнинг роли ниҳоятда каттадир. Ўзлигини англамаган инсон комил, баркамол инсон даражасига чиқа олмайди.

3. Миллий ўзликни англашда, шахсий ўзликни англашда миллий ғоянинг ўрни беқиёсдир. Чунки, миллий ғоягина миллий ўзликни англашни шаклланишига кенг имконият яратиб бера олишини баён этишини режалаштирганмиз. Умуминсоний ўзликни англаш масаласига тўхталиб ўтамиз.

4. Миллий ўзликни англаш ва тарихий хотирани тиклашнинг ўзаро алоқаси масаласини ҳам баён этамиз.

Илмий янгиликлар ва эришилган натижалар:

Битирув малакавий ишида амалга оширилган янгиликлар шундан иборатки, биринчидан, ўзликни англашнинг маъно мазмуни, унинг миллий мафкурани шакллантириш жараёни билан боғлиқлиги миллий ғоянинг ўзликни англаш билан ўзаро алоқаси, иккинчидан, ўзликни англашнинг миллий ва умуминсоний кўринишлари, ўзликни англашнинг тарихий хотирани тиклаш жараёни билан ўзаро боғлиқлиги қайтадан кўриб чиқилади.

Ишнинг амалий аҳамияти:

Битирув малакавий ишида баён этилган ғоялар, хулоса ва тавсиялар асосида ёшлар ўртасида маъданий-маърифий тадбирларни кучайтиришига, ёшларда ўзликни англашни тарбиялашга ёрдам беради.

Ишнинг методологияси:

Битирув малакавий ишининг методологияси Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, маърузалари, нутқлари, интервьюлари ҳамда республикаимизнинг ижтимоий-гуманитар фанлар олимларининг асарлари ҳисобланади.

Ишнинг методлари:

Битирув малакавий ишини бан этишда умуман фалсафий методлардан кузатиш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ва мантиқийлик, абстрактлик ва конкретлик, аналогик методлардан фойдаланилди.

Ишнинг ҳажми:

Битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрта параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми ____ бетни ташкил этади.

Тадқиқод объекти ва предмети:

Битирув малакавий ишининг тадқиқод объекти ўзликни англашнинг миллий ғояда акс эттирилиши ҳисобланади. Унинг предмети эса Ўзбекистон

Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, катор олимларимизнинг асарлари асосида ўзликни англаш жараёни, унинг миллий ғояда акс этиши, унинг кўринишлари, ўзликни англаш ва тарихий хотирани тиклаш масалаларини қайтадан кўриб чиқишдир.

Фойдаланилган адабиётларнинг таҳлили:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси(-Т.: 2008 й) /1/
мамлакатимизнинг асосий қонунлари, хусусан, тарихий ёдгорликлар, мустақиллик йилларида маънавий юксалиш масалалари таҳлил қилинган /2/;

И.А.Каримовнинг “Юксак маънавиятсиз келажак йўқ” (-Т.: 1997 й) асарида маънавиятнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва роли таҳлил қилинган /3/;

И.А.Каримовнинг “Иқтисодиёт ва маънавият ажралмасдир” (-Т.: 1998 й) мақоласида уларнинг уўғунлиги масаласида тўхталган /4/;

И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (-Т.: 1998 й) асарида тарихий хотира, маърифат, маънавият масалалари, ўзликни англаш таҳлил қилинган /5/;

И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият жамият тараққиётининг асоси” (-Т.: 1999 й) мақоласида маънавиятнинг ижтимоий тараққиётдаги роли ва ўрни таҳлил қилинган /6/;

И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” (-Т.: 1998 й) маърузасида таълим-тарбия, билим, дарслик, ўқув қўлланма, ахборот ва педагогик технологиялар, ёшлар тарбияси, маънавиятга тўхталган /7/;

И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” (-Т.: 2008 й) асарида маънавиятнинг маъно-мазмуни, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, маънавиятнинг назарий ва амалий томонлари, ўзликни англаш маънавиятни англашдан бошланиши таҳлил қилинган /8/;

Н.Жўраевнинг “Янгиликлар концепцияси” асарида маънавият концепциясининг маъно-мазмуни таҳлил қилинган /9/;

А.Иброҳимов, Ҳ.Султонов, Н.Жўраевларнинг “Ватан туйғуси” (-Т.: 1996 й) асарларида маънавият, тарихий хотира, ўзлик масалалари таҳлил қилинган /10/;

А.Эркаевнинг “Ўзликни англашга даъват” (-Т.: 2008 й) мақоласида кишилиқ тарихида, Жумладан, И.А.Каримов асарларида ўзликни англашга кучли эътибор берилгани кўрсатиб ўтилган /11/;

С.Отамуратов, С.Отамуратовларнинг “Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш” (-Т.:2003 й) асарида миллий ўзликни англаш, миллий маънавият, миллий тикланиш ва бошқаларни ёритишга ҳаракат қилинган /12/;

У.Саидовнинг “Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари” (-Т.: 2005 й) рисоласида ҳам миллий ғоя ва ўзликни англашга эътибор берилган /13/;

М.Қуроновнинг “Миллий тарбия” (-Т.: 2007 й) асарида Ўзбекистонда миллий тарбия соҳасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинган /14/.

ТерДУ Тарих ва гуманитар фанлар факультети битирувчиси
И.Салоҳиддиновнинг 5141500-Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун
“Ўзликни англашнинг миллий ғояда акс этиши”
мавзусидаги битирув малакавий ишининг муаллифлик
АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги:

1. Ўзликни англашсиз ижтимоий тараққиётда содир бўлаётган ўзгаришларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас;
2. И.А.Каримов таъкидлагинидек миллий ғоя, миллий мафкурани ўзликни англашсиз англаб, тасаввур қилиб бўлмайди;
3. Айниқса мафкуравий кураш кескинлашган шароитда миллий ғоя, миллий мафкура, ўзликни англашни кучайтирмасак, унга қарши таҳдидлар кучаяверади;
4. Турли ёш, зарарли, бегона ғояларга қарши курашда ўзликни англаш муҳим ўрин эгаллайди;
5. И.А.Каримов ўзининг кўплаб асарларида таъкидлаб ўтганларидек ўзликни англаш муҳим ғоявий мазмунга ҳам эга.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари:

Мақсади:

Биринчидан, ўзликни англаш тушунчасини маъно, мазмунини очиш, чунки мустақиллик шароитида республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг диққат эътибор берган масалаларидан бири ўзликни англашнинг миллий мафкурани шакллантириш жараёни билан боғлиқлига ташкил қилади. Ўзлигини англамаган миллатнинг эртаси йўқ, унинг келажаги ҳам бўлмайди;

Иккинчидан, миллий ғоя ва ўзликни англашни ўзаро алоқаси, ўзликни англашни шакллантириш жараёнида миллий ғоянинг роли ва ўрнини аниқлаш масалаласини ўзимизга мақсад қилиб олганмиз;

Учинчидан, ўзликни англашни ўзига хос кўринишлари бўлган миллий ва умуминсоний ўзликни англашнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш;

Тўртинчидан, ўзликни англаш жараёнида тарихий хотирасини тиклаш масалаласини анализ қилиб беришдан иборат.

Вазифалари:

1. Бирон миллат, элат, халқни, мамлакатни ўздикни англашсиз, ғоясиз, мафкурасиз, миллий ғоясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун миллий ғоя миллатнинг мақсад, муддао, орзу-умид, ният, интилиш, манфаатларини ўзида акс эттиришни битирув малакавий ишимизда баён этиши;

2. Инсон ҳаётида ўзликнинг, ўзини ўзи билишнинг, ўзига ўзи баҳо беришнинг, қисқаси ўзликнинг англашнинг роли ниҳоятда каттадир. Ўзлигини англамаган инсон комил, баркамол инсон даражасига чиқа олмайди;

3. Миллий ўзликни англашда, шахсий ўзликни англашда миллий ғоянинг ўрни беқиёсдир. Чунки, миллий ғоягина миллий ўзликни англашни шаклланишига кенг имконият яратиб бера олишини баён этиши;

4. Ўзликни англаш ва тарихий хотирани тиклашнинг ўзаро алоқаси масаласини ҳам баён этамиз.

Тадқиқот объекти ва предмети:

Битирув малакавий ишининг тадқиқод объекти ўзликни англашнинг миллий ғояда акс эттирилиши ҳисобланади. Унинг предмети эса Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, қатор олимларимизнинг асарлари асосида ўзликни англаш жараёни, унинг миллий ғояда акс этиши, унинг кўринишлари, ўзликни англаш ва тарихий хотирани тиклаш масалаларини қайтадан кўриб чиқишдир.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси, амалий аҳамияти ва тадбиғи:

Битирув малакавий ишида амалга оширилган янгиликлар шундан иборатки, биринчидан, ўзликни англашнинг маъно мазмуни, унинг миллий мафкурани шакллантириш жараёни билан боғлиқлиги миллий ғоянинг ўзликни англаш билан ўзаро алоқаси, иккинчидан, ўзликни англашнинг

миллий ва умуминсоний кўринишлари, ўзликни англашнинг тарихий хотирани тиклаш жараёни билан ўзаро боғлиқлиги қайтадан кўриб чиқиш ва тарбиявий жараёнда ўз фаолиятимизда тадбиқ этиш ҳисобланади.

Ишнинг тузилиши ва таркиби:

Кириш, икки боб, тўрта параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлардан иборат.

Хулоса ва таклифлар:

1. Ўзликни англаш ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида алоҳида ўрин тутди;
2. Ўзликни англаш миллий мафкурани шакллантириш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир;
3. Миллий ғояда ўзликни англаш акс эттирилган тақдирда у янада таъсирчан ва самарали бўлади;
4. Ўзликни англаш хилма-хил шакл ва кўринишларга эгадир;
5. Ўзликни англаш учун аввало тарихий хотирани тиклаш зарурдир.

Тавсиялар:

1. Ўзликни англаш жараёнига таълим муассасаларида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнида катта эътибор бериш зарур.
2. Миллий мафкуранинг концепциясини ишлаб чиқиш давом этар экан, миллий ўзликни шакллантиришга эътиборни кучайтирмоқ керак.
3. Миллий ғоя ва ўзликни англашнинг уйғунлигини кучайтириш лозим.
4. Жамиятни янгилаш жараёни билан ҳам бориш мақсадга мувофиқдир.
5. Миллий ғоя, миллий мафкура, миллий ўзликни англашнинг турли таҳдидларининг маъно-мазмунининг ёшларга тўла ва тўғри тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир.
6. Ўзликни англаш жараёнини ОАВларида кенг тарғиб қилиш зарур.

I-боб. Мустақиллик ва ўзликни англаш, миллий ғоя ва мафкуранинг муҳим омили.

1.1. Мустақиллик, миллий ўзликни англаш ва миллий мафкуранинг шаклланиши.

Ҳар бир миллат (элат)нинг ўз-ўзини реал субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умуммиллийлигини тушуниб етишига миллий ўз-ўзини англаш дейилади.

Миллий ўзликни англаш миллий шаклланиш жараёнининг юқори босқичи ҳисобланади. Миллат ўзига хос урф-одатлар, анъаналар, кадриятларни шакллантириши заминида давлат атрофига бирлашиши ётадию Миллий ўз-ўзини англаш мураккаб жараён. Бу жараён миллат вакиллариининг умуммиллий манфаатларини устивор қўя билаш малакаси билан бевосита боғлиқдир. Миллий ўз-ўзини англаш миллий онгдан фарқ қилади. Миллий онг ҳар бир миллатнинг ягона тили, урф-одати, анъана лари, кадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқorigа, оддийдан мураккабга томон ривожлантириб боришининг муҳим мезони. Ўз навбатида, милдлий онгнинг ривожлантириб бориши ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаш милли манфаатларни ҳимоя қилишдв ички турки берувчи маънавий-руҳий салоҳиятдир. Миллий ўз-ўзини англаш реал моддий куч, сифатида, миллий шаъни, кадр қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймал этилганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ҳаракатлар юзага келганда янада яққолроқ намон бўлади. Шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймал этилганда миллат вакиллари, қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъи назар, ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашадилар ва ўзлигини ҳимоя қиладилар. Шундай қилиб, миллий ўзлигини англаш миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи омил ҳисобланади.

Собиқ шўро даврида эълон қилинган илмий адабиётларда мавжуд бўлган айрим ижобий фикрларни ҳисобга олмай туриб, миллий ривожланиш миллатлараро муносабатларда юзага чиққан янги тенденцияларни англашга уриниш самара бермайди. Чунки ҳар қандай янги ғоялар ҳам қандай бўлмасин мавжудлигини таҳлил қилишни ва ўрганишни тақозо этади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллий онгдан фарқ қилади.

Бундай ташқари у фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, шунинг билан у турли оғриклар ёки муаммолар юзага келган шароитда ҳам миллатни “ҳаракатга” келтиради ва уни бирлаштириб туради. Хусусан миллат тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳада юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда ҳам у миллатни бирлаштиради ва уни умуммақсадлар йўлида ҳаракатга келтиради, у ҳар қандай миллат учун етакчи белги ҳисобланади. У ўзининг катта салоҳияти билан миллат учун зарур асосий ўзига хос белгилар тизимида етакчи ўрин эгаллайди. У миллатнинг юраги, қалби, томирларида оқадиган қони ва гавдасини тик ушлаб турувчи жонидир. Ўзлигини англашдан тўхтаган ёки ундан маҳрум бўлган ҳар қандай миллат ўлимга маҳкумдир. У ўзига миллатларга “ем” бўлиб, уларга ассимиляция орқали қўшилиб, оқибатда йўқ бўлиб кетади.

Худди шу маънода ҳам миллий ўз-ўзини англаш миллат абадийлигини таъминлашнинг ҳам муҳим омилidir. Чунки бу манфаатларини ҳимоя қилиб туради.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни чор империяси бу ўлкани босиб олгандан кейин ўз мустақиллиги учун курашларда, шўролар тузуми шароитида ўзлигини сақлаб қолишга бўлган ҳаракатларда моддий кучга айланиб келди. У Ўзбек миллатининг ўз мустақиллигини қўлга қиритгандан кейин ўз-ўзини англаши икки йўналишида: собиқ шўролар даврида топилган урф-одатларни кадр-қимматини, қадриятларини тиклаш ва маънавий меросларини ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ва янги адолатли демократик, ҳуқуқ устуворлигига асосланган жамият қуриш билан боғлиқ бўлган ислохотларни ўтказиш

жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги умуммиллий ҳаракатларда намоён бўлмоқда.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланиб бориши ёки миллатни ўзига миллатлардан ажралиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларнинг мустаҳкамланиб боришига ёрдам бериб бораверади.

Миллатларнинг ўз-ўзини англаши қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг ўз муаммоларини ҳал қилиш имконияти ҳам кенгайиб боради. Ўз-ўзини англаган миллатнинг миллий бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади. Миллий бирлик ўз навбатида миллат абадийлигининг барқарор муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир.

Миллий ўзликни англаш миллий ривожлантиришнинг энг муҳим оилаларига айланган ҳозирги кунда, унинг тузилмаси ва элементларининг ўзаро алоқасини аниқлаш катта илмий-назарий ва методологик аҳамиятга эгадир. Чунки тузилмаган кирувчи элементларнинг ҳар бирининг, миллий ўзликни англаш жараёнига таъсирини аниқлаш ва ўз навбатида амалиётда улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Собиқ совет жамиятининг парчаланиб кетиш “тажрибаси” миллий ўзликни англашни миллатларни этник бирлик тарзида бирга яшашлари шароитларида ҳам байналмилалликни англаш ролини сунъий бўрттириш орқали “юқоридан” кўрсатилган ҳеч қандай чоралар билан бўғиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Шу билан бирга миллий ўзликни англаш сохта социалистик демократия ва миллатларнинг гуллаб-яшнаши ниқоби остида “тинчитиб” қўйиш мумкинлиги ҳам тажрибадан ўтди. Бироқ бундай “тинчиш” нисбатан узоқ тарихий давр мобайнида давом этмади, унинг миллий ривожланиши ҳисобига олинмаган ҳамда манфаатлари етарли таъминланмаган тақдирда, бундай “тинчитиш” тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳаётда тасдиқланди.

Бундай фмкрларнинг методологик аҳамияти шундаки, миллий этник бирлик сифатида жамоа тараққиётининг “жонли” элементи ҳисобланади. Табиийки, мазкур “жонли” элемент пастдан юқорига қараб ривожланади. Бунда миллий ўз-ўзини англаш стумлятор (рағбатлантирувчи, безлаштирувчи омил) ролини ўйнайди.

Миллатлар устидан ҳукмронлик барбод бўлиб, улар ўз мустақиллигини қўлга киритишлари ва янги жамият қуришга ўтиш шароитида миллий ривожланишда содир бўлаётган жараён миллий ўзликни англашдаги “портлаш” омили жуда хавфли ва макоорлигини кўрсатди, бунинг оқибати бекиёс моддий ва маънавий зарарлар юзага келиши мумкинлиги ҳам собиқ шўролар тизими барбод бўлиши тажрибасида намоён бўлди. Миллий ўзини англаш жараёнига бўлган тафаккур стереотипини (ангдоза) унинг портлашдаги хавфли кучини етарлича ҳисобга олмаслик, фақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалар эмас, балки миллий ривожлантириш соҳаларида ҳам ҳал этилмаган муаммоларнинг тўплани қолишига олиб келди. Мамлакатдаги миллий “портлаш” туфайли узоқ йиллар “байналмилаллик” байроғи остида яшириниб келаётган “жароҳатлар” юзага қалқиб чиқди.

Буларнинг барчаси миллат ўзини англашнинг яхлит миллий ривожланишидаги, фақат ўтмиш тарихидаги эмас, балки истиқболдаги миллий манфаатларни ҳимоя қилишдаги ролини яна бир қарра таъкидлайди. Бу нуқтаи назардан Я.М. Дробижеванинг қўйидаги фикрларига қўшилмаслик мумкин эмас: “...Миллий ўзликни англашда фақат билиш эмас. Балки эмоционал таркибий қисм ўз халқининг маданий ва тарихий қадриятларга муносабат ва энг асосийси кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи миллий манфаатлар иштирок этади. Биз миллий ҳиссиётлар, миллий манфаатлар фаол намоён бўлаётган вазиятда яшаб турган ҳозирги кунда оммавий

ҳаракатлар даражасида бу ижтимоий ва психологик категория қандай фаол “ишлаётганлигининг” гувоҳи бўлиб турибмиз”.¹

Шундай қилиб, миллий ўзини англаш омилида мавжуд бўладиган ана шу ички қудрат, унинг тузилмаси ҳамда уни элементларининг ўзаро алоқасини методологик ва илмий-назарий нуқтаи назардан ўрганишни тақозо этади ва бу биринчидан, миллий ўзини англашнинг миллатнинг муҳим белгилари сифатидаги табиатини, унинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ўрнини аниқлаш учун таянч ҳисобланса, иккинчи томондан, миллий ривожлантиришнинг замонавий талабларига мувофиқ келадиган илмий концепцияни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Баъзи олимлар тузилмага кирувчи элементлар ҳақида ўз фикрларини баён этганлар.

Масалан, С.Т.Калтахчян Миллий ўзини англаш тузилмасига: 1.Этник умумийликни англаш ва бошқа этносларга муносабат; 2.Миллий қадриятлар: тил, ҳудуд, демократик маданиятга содиқлик давлат умумийлигини англаш; 3. Ватанпарварлик; 4. Миллий озодлик курашидаги умумийликни англаш кабиларни киритади.

С.М.Арутюнян миллий ўзини англаш тузилмасига миллатга тааллуқликни англашни, миллий қадриятларга содиқликни, давлат мустақиллигига интилишни ватанпарварликни киритади.²

П.М.Рогачёв,М.А.Свердлин юқоридаги таркибий қисмларга миллий озодлик курашидаги манфаатлар умумийлигини ҳавола қиладилар.³

К.Н.Хабибулин социологиятик миллий ўзини англаш тузилмасига: ўзини англашга ўтиш мойиллигининг ўз-ўзидан ривожланиши ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ижтимоий (давлат сиёсий мафкура) ва этник (моддий, ҳаёт, ҳудуд,

¹ Дробижева Я.М. Философские проблемы теории и практики национальных отношений социализма. Материалы «круглого стола». Вопросы философии 1988, №6, стр 31.

² Арутюнян М.С. Нация и её психологический склад. –М.: 1996, с. 18-19

³ Рогачёв П.М., Свердлин М.А. Нациянарод-человечества.-М.: 1967, с.61.

тил, маданият) белгилар умуммиллийликни англаш, миллий фахр ва ватарпарварликда намоён бўладиган миллий ҳиссиётни киритади.¹

М.С. Жунусов миллий ўзини англаш моҳияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Миллий ўзини англаш тузилмасида ижтимоий психологик элементлар устунлик қилади. Сабаби шундаки, миллат фақат иқтисодий эмас, балки тарихий асосга эгадир. Бу эса миллат ўзини узоқ тарихий тараққиёти мобайнида жамоат психологиясида барқарор мустаҳкамликка эга бўлади, демакдир.”²

Мустамлака, мустабидликдан озод бўлган миллатлар ва элатлар миллий ўзини англаш ўсишини характерли хусусияти фақат миллий озодлик курашидаги умумийликни англаш эмас, балки этник жамоани бирлаштиришга, давлат мустақиллигини, иқтисодий имкониятларни мустаҳкамлашга ва ниҳоят инсониятни ҳаяжонлантираётган умумжаҳон муаммоларини ҳал қилишда тенг ҳуқуқлилик асосида қатнашиш ва ягона маданий қадриятларни англашга интилишни тушуниб етиш устуворликка эга бўлмоқда.

Миллий ўзликни англаш тузилмасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Этник умумийликни англаш ва бошқа этносларнинг мавжудлигини эътироф этиш;
2. Миллий қадриятлар, тил, она ер, маънавиятга кенг маънода содиқлик;
3. Ватанпарварлик;
4. Миллий мустақилликка ва миллатни ривожлантиришга интилиш;
5. Миллий манфаатларни англаш ва уни ҳимоя қилиш салоҳияти кабилардир.

Миллий ўзликни англашнинг бу элементларини унинг тузилмасига киритар эканмиз, биз жамиятда демократик жараёнлар шароитида миллатни ривожлантиришнинг мавжуд имкониятларига асосландик. Миллий ўзликни англашнинг ривожланиши мураккаб, кўп қиррали ва динамик жараёндир.

¹ Хабибулин К.Н. Самосоздание и интернациональная ответственность социалистических наций // Философские и социально-психологические проблемы национальных отношений развитого социализма. Автореферат д.ф.н.-Ленинград: 1997, с.10-11.

² Джунусов М.С. Вопросы теории интернационального воспитания.-Т.: “Ўзбекистон”, 1980, с.34.

Шунинг учун унда илгари мавжуд ҳамда олдиндан айтиш мумкин бўлмаган янги қирралар, жиҳатлар пайдо бўлмоқда, олдингилари эса такомиллашмоқда.

Миллий ўзликни англашнинг кучайиши мустақилликка интилиш миллатлар ва элатларни бир-биридан ажралиб қолишга олиб келмайди. Аксинча, ҳар бир миллат ва элат ўз маданий ва маънавий имкониятларини мустаҳкамлаб бутун мамлакат иқтисодий қудратига ёрдам беради, кадриятлар билан алмашиш жараёнини кучайтиради ва ўз навбатида эҳтиёжларнинг ўсиб боришига ўз таъсирини ўтқазади. Турли муаллифларнинг миллий ўзликни англаш ва унинг таркибий элементларига ёндашувларига қуйидагилар киради:

1. Миллий мустақилликка ва миллатни ривожлантиришга интилиш;

2. Миллий манфаатларни англаш ва уни ҳимоя қилиш салоҳияти кабилар мустақил элемент сифатида киради. Бундан ташқари миллий ватанпарварлик ҳам миллий ўзликни англаш тузилмасига кирувчи энг муҳим элемент ҳисобланади.

Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги очик “тажриба” шунини кўрсатдики, биринчидан, миллий кадриятлар ўзликни англаш элементи сифатида шунчалик кучли, барқарор бўлиб чиқдики, буни ҳисобга олмаслик миллатларда турли тўқнашувлар ва қон тўкилишларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди;

Иккинчидан, миллат мавжуд экан, ўз миллий кадриятларига содиқлик сўнмайди, аксинча, демократик шароитларда миллий ўзликни англашнинг ўсиш жараёнида у ҳам янги куч-қудратга эга бўлиб боришлиги исботланган.

Ватанпарварлик миллий ўзликни англаш тузилмасидаги учинчи элементлар Ватанпарварлик одамларнинг ўз Ватанлари билан табиий алоқаларининг Ватанга муҳаббат ҳиссиётини, унинг тақдири учун шахсан жавобгарликни акс эттирувчи асосдир. Ватанпарварликни миллий ўзликни англаш тузилмасидан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Ватанпарварликда она тупроққа, унинг бойликлари ва табиатига муҳаббат ҳиссиёти доимо

мавжуд бўлади. Ватанпарварлик асрлар мобайнида ҳар бир миллат вакили калбида мустаҳкамланган энг чуқур ҳиссиётлардан биридир.

Мустақиллик шароитида миллий ватанпарварлик ўзгача аҳамият касб этади. У мустақилликни миллий бирликни мустаҳкамлаш Ватанни ички ва ташқи душманлар таҳдидидан ҳимоя қилиш, чегараларнинг дахлсизлигини ва ҳудудий бутунлигини таъминлаш каби вазифаларни ўз ичига қамраб олади. Миллий ватанпарварлик миллий ривожлантириш ҳамда миллатларида муносабатлар диапозонини кенгайтиришнинг муҳим омилидир. Айнан мана шу нуқтаи назардан миллий ватанпарварлик умуммиллий ватанпарварликни (кенг маънодаги) мустаҳкамлаш шароитида мавжуд бўлади, у миллий ўзликни англаш тузилмаси элементларидан бири сифатида ривожланади.

Миллий ўзликни англаш тузилмасидаги тўртинчи элемент миллий мустақилликка ва миллатни ривожлантиришга интилишидир. Биз мазкур ҳолатда ҳали миллатнинг том маънодаги суверенлиги ҳақида гапирганимизда, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз ерига эгалик қилиш, ўзининг ер ости ва ер устидаги бойликларига эгалик қилиш , ўз келажагини ўзи белгилашни тушунмоқ керак бўлади. “Мустақиллик”, “суверенитет”ни тулғазиб туради. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтмоқчи бўлсак, “Суверенитет” халқнинг мустақиллигини англатиши билан бирга бошқалар билан тенглигини ўз хоҳиш иродасига биноан иш кўриш ҳукмига эга бўлганлигини, мустақил субъект сифатида мақомларини ўзида мужассамлаштиради. Худди ана шумаънода ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларида ва сиёсий тушунчалар тизимида “Мустақилликка” асосан “суверенитет” тушунчасини ишлатиш тамойилига айлангандир. Халқнинг миллий суверенликка интилиши қандай мазмун, қандай йўналтирилганликни касб этиш тарихий тажриба далолат беришича, конкрет ҳолатларга боғлиқ бўлади. Масалан, собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида миллат ва элатларнинг барча ҳуқуқлардан маҳрум этилиши уларнинг мустақилликни қўлга киритиш учун зўравонликка қарши кураш жавоб омили сифатида намоён бўлди.

Миллий ўзликни англаш тузулмасининг бешинчи элементи- миллий манфаатларни ва уни ҳимоя қилишни англашдир. Манфаатлар бу ижтимоий муносабатлар мавжудлигининг намоён бўлиши эҳтиёжга айланган қисми ва уларни қондириш шакли (усули)дир.

Манфаатларнинг турли бисёрдир. Жумладан, шахсий, оилавий, миллий, ватан, иқтисодий, сиёсий маънавий, синфий, гуруҳ ва ҳаказолар. Албатта, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият йўналиши, мақом ва мезонларга эгадир. Миллий манфаат-бу ҳар бир миллатнинг ўз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий эҳтиёжлари, уларни таъминлаш учун интилиш шакли (усули)дир.

“Манфаат шахсининг муаммоларидан бошлаб, то дунё цивилизациясининг тарққиёти билан боғлиқ бўлган ва ҳар бир инсоннинг унинг миллатидан қатъи назар, ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ бўлган масалаларини ўзида қамраб олади. Миллий манфаат узвий равишда шахсий этник, ижтимоий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштиргандир”.¹

Миллий ўзликни англаш,-деб ёзадилар Ю.В.Арутюнян ва Л.М.Дробижова,-ҳар бир халқ маданий ҳаёти билан ўта бевосида тарзда боғлангандир.

Биринчидан, у миллатнинг объектив амалда бўлган белилари, шу жумладан, маданият, тилнинг акс этиши ҳисобланади;

Иккинчидан, унинг ўз халқлари маданиятини ривожланиши рағбатлантиришга, яъни маънавий қадриятларни яратишга ва маданиятнинг тарихий фондини кенг ёйишга, халқларнинг бутун тарихи мобайнида яратилган абадий ёдгорликлар, санъат асарлари, урф-одатлар ва маросимлар қизиқишни қўллаб-қувватлашга қодирдир.²

Миллий ўзликни англашнинг гносеологик моҳияти борасида қўйидагиларни айтиш мумкин: биринчидан, у миллий онг базасида

¹ Абдурахмонов Ф.Р. Мустақиллик ва миллий манфаатлар-Т.: 1994, 6 бет.

² Арутюнян Ю.В. Дробижова Л.М. Многообразие культурной жизни народов СССР-М.: “Мысль”, 1967, 277-б.

шаклланади, зеро миллий онг ижтимоий онг тизимида ўз “база” диапазони ва моҳиятига кўра кенгрокдир. Миллий ўзликни англаш бу миллатни ўз онгини, этник бирлик ва маънавий қадриятларини англашга йўллаши демакдир. Шунинг учун миллий ўзликни англаш маданиятидаги миллий хусусиятларни “сақлаш” ва ривожлантиришни рағбатлантравчи омил ҳисобланади;

Иккинчидан, агар иқтисодий, ҳудудий давлат умумийликлари ва маданий хусусиятлар миллатнинг белгилари сифатида аниқ гавдалантирилган ҳамда ҳар бир конкрет ҳолатда уларни осон аниқлаш мумкин бўлса, унда миллий ўзликни анлаш эса “абстракт” ҳосида ҳисобланади ва бу ҳисётларда, ҳаёжонларда (эмоцияларда) ҳамда миллий қадриятларни “сақлашга” интилишларда ифодаланади.

Учинчидан, миллий ўзликни англашнинг “қуриқловчилик” роли бошқа миллатларни менсимаслик, шовинизм ва миллий чекланганликнинг намоён бўлишида ўта “ҳавфли” омилдир.

Маданиятнинг “инсонийлаштириш функцияси одамнинг инсоний-миллий умуминсоний эҳтиёжларини, унинг маънавий талабларини кегайтиришга унда ўз (миллий) этник жамоасига ва бутун башариятга дахлдор экаглигини англаш туйғусини оширишга даъват этилгандир.

Миллий ўз-ўзини англашнинг консолидация (бирлаштирувчилик) этувчи функцияси аниқ вазифани бажаради: у ҳар хил одамларни (этник гуруҳларни) бир-бирига бирлаштириб, битта этник жамоа таркибида аҳил бўлиб яшашга даъват этади. Турли миллатлар мавжуд бўлган шароитда бажариладиган мазкур функция муттассил “ҳаракатда бўлади”. Мазкур функция айниқса, икки ҳолда муҳим роль ўйнаши кўзга ташланади:

Биринчидан, у миллат (шу жумладан миллий ўз-ўзини англаш) шаклланиб келаётган дастлабки вақтларда муҳим роль ўйнайди. Ушбу жараёнда, яъни этник ягона жамоа вужудга келаётган вақтда мазкур функциялар бирлаштиравчи ва мутаҳкамловчи аҳамият касб этади.

Табиийки, миллат (миллий ўз-ўзини англаш) шаклланиш жараёнида одамлар ўзидан-ўзи “автоматик тарзда” бир-бирлари билан бирлашиб

кетмайдилар. Улародаги тил бирлигининг, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар умумийлигини ва ҳудудий бирликни тушуниш туйғулари бирлаштиради.

Айни мана шу яқинликни англашдан миллий ўз-ўзини анлаш туйғусининг чинаккам дастлабки “ҳаракати” бошланади.

Иккинчидан, миллий тараққиётда “экстремал” кескин салбий ўзгариш ҳолатлари вужудга келганда, адолатнинг бўзилиши натижасида (моддий, маънавий бойликларнинг нотекис тақсимланиши натижасида, мустақилликка путур етказилиши миллатнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш назар писанд қилмаган ҳолларда) миллат ёки элат (ривожланиб келаётган ёки “ўз кучи билан” ёқир маҳкам туриб олган гуруҳ) “ўлиб кетиш” хавфи келган ҳолларда ёхуд миллатнинг шаклланиши учун (узоқ вақт давомида салбий таъсир этиб келган) шароитлар вужудга келган ҳолларда ушбу функциялар жадал “ҳаракатга” келадилар. Аммо “экстремал” шароитларда конкрет вазиятда, “кучлар нисбатига боғлиқ бўлган бирлаштирувчи (консолидация) функция ижобий натижа бориши ёки шунингдек, салбий оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

Миллий ўзликни англашнинг тарбиявий функциясининг ўз илдизидан ўсиб чиқадиган мана шу ғоят катта куч унинг онгга таъсир кўрсатадиган қобилият ўсиб боришига ёрдам беради. Мана шу нозик функцияни хушёрлик билан тушуниб олиш ва уни билиш орқалигина миллий тараққиётга ҳамда миллий муносабатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Миллий ўзликни англашнинг ҳаракатга келтирувчилик функцияси ҳам миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатлар тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг куч-қудрати бошқа функцияларга қараганда анча шиддатли ва миллатнинг ҳис-ҳаяжонларини ҳамда руҳиятини моддий кучга айлантиришда устивор аҳамиятга эгадир. Миллат учун умум ҳисобланган муаммолар юзага келган шароитларда “ҳаракатга келтирувчи” функция ишга

тушиб кетади. Лекин бу унинг ўзга шароитларда “тинч” турганини билдирмайди.

Миллий ўзликни англашнинг яна бир функцияси ҳимоя қилишни англашдир. Ташқаридан қараганда бу ҳаракатга келтирувчанлик функциясининг айнан ўзидек кўринади. Аммо унинг таъсири ўзгачадир. Хусусан бу функция миллатнинг ангини, маданиятини, маърифатини шакллантириш ва ривожлантиришдаги хусусияти билан ажралиб туради. Маънавияти ва маърифати қашшоқ миллат ўз манфаатларини англашга қодир эмас. И.А. Каримов таъкидлаганидек, ... ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний кадр-қимматини англаб етган ҳар ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасуввур қилиш қийин.”¹

Маданияти ва маърифати ривожланган миллат ўз манфаатларини англаши мумкин ҳамда уни ҳимоя қили учун ҳаракат қила олади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий мафкура концепциясини шакллантириш жараёни ҳам

Амалга оширилди. Миллий мустақиллик мафкураси мамлакатимиз аҳолисининг орзу-умидлари, мақсад манфаатларини акс эттиради. Миллий ўзликни англаш миллий мафкурани шакллаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб миллатнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Мустақиллик мафкураси халқимизни халқ, миллатимизни миллат қилишга хизмат қилади. Мамлакатимизда қурилаётган инсонпарвар, демократияни шакллантиришда маънавий-руҳий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода миллий ўзликни англаш, миллий мафкура миллат ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

¹ Каримов И.А Юсак маънавият енгилмас куч.-т.: “Маънавият”, 2008, 29 бет.

1.2 Мустақиллик ғоя ва миллий ўзликни англаш.

Инсониятнинг тарихий тараққиёти ўз-ўзини англаш энг аввало, инсоний мавжудликнинг моҳиятини маънавий воқелик, шаън, кадр-қиммат, обрў-эътибор, ор-номус орқали намоён бўлишини кўрсатади. Ҳаётнинг маъно-мазмунини, мақсадини тушуниб етиш, ўзликни англашдан бошланади. Миллий ғояда унинг негизлари мужассам бўлганлиги учун ҳам ўзликни англашга хизмат қилади ва улар бир-бири билан узвий боғлиқдир.

“Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва мос жамият барпо этишини тушунаман”, деган эди И.А.Каримов.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш, авваламбор ҳар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг олий мақсадларини ўзида мужассам этган миллий ғоя атрофида жипслаша олиши ўзини халқ, миллатнинг ажралмас қисмит эканлигини англаб етишига ҳам боғлиқ. Зеро буюк бобокалонимиз Амир Темури ўғит берганларидекб “Бирликсиз куч бўлмас”. Бинобарин, “Озод ва обод Ватанг, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек улуғ иш аввало, ўзликни англамаган жойда амалга ошмайди. Миллат бирлигида инсонни ўзлигини англаш омили алоҳида ўринга эга. И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Чинкам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилан одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади.

Демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиши, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади”¹.

¹ И.А.Каримов Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11 жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003, 34-бет

Бу ерда тилга олинган инсоний фазилатлар инсоннинг маънавий оламини ташкил этади. Маънавият эса фикр, сўз ва иш бирлигида намоён бўлади. Ўзлигини англамаган одамда имон ва эътиқод заиф бўлади.

“Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” ғоясида мужассам бўлган миллий ғоя оддий даъват эмас, жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучга айланмоғи учун, у ўзлигини англаган ҳар бир фуқаронинг онгидан чуқур жой олмоғи ва яшаш тамойилига айланмоғи лозим.

Демак, мустақиллик туфайли бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида ўзликни англашнинг ўзига хос кўринишларини англамасдан маънавий юксалиш ва тараққиёт даражасини аниқлаб бўлмайди.

Жамият маълум бир ҳудудда жамланган одамларнинг оддий йиғиндиси эмас. Инсон мартабасига хос бўлмаган ўзлигидан маҳрум, тарихий хотираси заиф, ўзининг келиб чиқиши ва кимларнинг вориси, авлодлари эканлигини англамаган билмаган одамларни халқимиз “тўда”, “оломон” деб атайтиди.

Юксак ривожланган жамият эса ўзлигини англаш шахслардан таркиб топади. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида талқин этилганда, унинг мустақил тафаккурга эътиқодга, бунёдкорлик қудратига, ўзгалар ва бутун борлиқ олдидаги маъсулият қудратига, ўзгалар ва бутун борлиқ олдидаги маъсулият туйғусига эга эканлиги назарда тутилади. “Мен кимман”, “Бу ёруғ дунёга нима учун келдим”, “Менга ато этилган буюк неъмат – ҳаётимни нималарга сафарбар этмоғим лозим”. Инсон борки, эртами-кечми ана шу саволларга жавоб излай бошлайди, камолот сари йўл олади. Бу йўлни-ўзликни англаш деб айтиш мумкин. Ўзлигини англаган ёки англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш, аввало, ҳар бир инсоннинг шахси, алоҳида “мен” билан боғлиқ.

“Кимки ўзлигини таниса, раббини танийди”. Бу ҳадисда буюк ҳикмат яширинган. Уни бугунги кун муаммолари нуқтаи назаридан қуйидагига талқин этиш мумкин: Ҳар бир инсон ўзи интилмаса, мақсадлар қанчалик улуғ бўлмасин, бирор-бир натижа бермайди. Шунинг учун ҳам ислом аҳли, мутассуф алломалар инсонни “одам меҳвари” деб билганлар.

Миллий мафкура ва миллий ғоя жаҳон халқларининг узоқ тарихий тараққиёт жараёнида яратилган меросидан ҳам озуқа олганлиги бежиз эмас. Зеро, инсоният жамияти пайдо бўлибдики, турли халқ алломалари инсонни ўзликни англашга даъват этади. Ўзликни англаш борасидаги шарқ ва ғарб алломаларининг фикрлари миллий ғоя ва ўзликни англаш билан чамбарчарс боғлиқ эканлигини яққол намоён этади.

Дельфадаги Аппалон ибодатхонасининг деворларига ўйиб ёзилган ва анъана бўйича етти юнон донишмандларидан бири-спарталиқ. Хилонга тегишли деб ҳисобланган “ўзлигингни англа” шиори қадимги юнон фалсафасининг ўзак масаласи бўлиб қолди. Юнон мутафаккирларини бу борада изланишга даъват этди. Эрамиздан олдинги V асрда Протагор, “инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир”, деган фикрни илгари сурди. Сукрот учун эса ўзлигингни англа ҳикмати донишмандликнинг қондасига айланди. Ўзлигини англаган инсон маъновий юксалишга эришади, қандай шароитда эзгуликка чоғланади. Шу нуқта назардан, инсон руҳий қувватининг рамзига айланган Сукротнинг ҳаёти ва ўлими ҳаммамизга сабоқ бўла олади. Шарқу Ғарб алломалари ўзларини ва ўз даврларини англашга ҳаракат қилишар экан, такрор ва такрор Сукротга мурожаат этишган. Сукрот даври билан бугунги кунни қарийиб икки ярим минг йил ажратиб турган булсада, биз ҳам яна бир бор бу улуғ сиймони эсласак, фойдадан холи бўлмас. Сукрот бир гуруҳ кишиларнинг фитнаси туфайли фуқаролик меъёрларини ёшлар тарбиясини бузганликда айланиб, ўлим жазосига ҳукм қиланган эди. Ҳукм ижросини кутаётган Сукротга шогирдлари қамокдан қочишни таклиф этишади. Гарчи ҳукм адолатсиз бўлсада, Сукротнинг фикрича, ҳар қандай, ҳатто энг юксак ва адолатли мақсад ҳам унга эришмоқ йўлидаги паст ва жиноий воситаларни окламайди. “Бизни ўлдиришга қодир бўлган кўпчиллик бу фикрга кўшиладими, кўшилмайдими, бундан биз кўпроқ ёки камроқ озор чекамизми, барибир адолатсиз иш уни қилган киши учун ҳар қандай шароитда шармандалиқдир”, дейди у шогирдига, -ёки бундай қарайлик, агар биз бу ердан жуфтакни ростлашга шайлансаку, Қонун ва Давлат рўпарамиздан

чикса-да, сўраса: Айтчи, Сукрот, нима қилмоқчисан” Ўз қилмоқчи бўлган ишинг билан бизни, Қонунлар ва бутун Давлатни ҳалок қилмоқчимисан?, Ёки суд ҳукмлари ҳеч қандай кучга эга бўлмаган, балки улар алоҳида одамларнинг истаги билан бекор қилинадиган бўлса, давлат бутун ва беэиён қолиши мумкин деб ўйлайсанми ?” Ўз юртини севган ва чинакам ватанпарвар бўлган Сукрот учун қамокдан қочиш бутун ҳаёти давомида ўзи риоя этган қоидаларга, ўзининг умр таштга ва демак Ватанига хиёнат бўлар эди. Афина давлатидаги у ёки бу тарбиблар билан келишмаган бўлса-да, чинакам ватанпарвар бўлган Сукрот ўлимни афзал кўради.

“Ўзини англаган инсон, деган эди у,-Ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиши асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини кулфатлардан асрайди”.¹

Ҳазрат Навоийнинг “Эл нетиб Топқай мениким, Мен ўзимни топмаман”,-деган сўзлари бугунги кунда ҳам чуқур маъно касб этади.

Жамиятнинг таянчи-оддий инсон. Шунинг учун ҳам юртбошимиз “Тафаккур” журнали бош муҳаррири билан суҳбатда “Мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиш керак”, - деган савол қўйиб, шундай жавоб берган эди: “ Даставвал Ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдири тимсолида минг-минглаб кишиларнинг тақдири мужассамлаштирган ватандошларимизнинг ҳаёти, унинг орзу-интилишларини, бугун ва эртанги кунга бўлган умидворлигини ўзимча тасаввур қилишга уриниб кўрардим. Ўзимни шу одамнинг ўрнига қўйиб, унинг кўзи идроки, тафаккури, ёндошуви билан келажакка қарардим”.²

“Ўзликни англаш”, “миллий ўзликни англаш ва ниҳоят умумбашарий ўзликни англаш” тушунчалари бир-биридан айри эмас, балки бир-бири билан

¹ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф-Т.: “Янги аср авлоди”, 2002, 226-б

² Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд-Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 91- бет

узвий алоқадор. Бир-бирини тақазо этади. Зеро, инсон ота-она, оила, миллат, аҳли башар, борингки бутун борлиқ билан муносабатлар асосида ўзининг ким эканлигини англаб боради. Айни шу муносабатлар заминида шаклланган миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида миллий ғоя тамойиллари шаклланган ва ўз навбатида, миллий ғоя уларни замон талаблари асосида бойитиб боради.

И.А.Каримов Миллий мафкурани шакллантириш зарурати ҳақида фикр юритиб: “Мафкурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим”, дея таъкидлаган эди.

Зеро, маънавий қадриятларга, ҳаётни эъзозларша ундайдиган юксак аъмалларга эътибор сусайганда, жамият, давлат тараққиётидан тўхтайдиган, инқироз томон юз тутаяди. Бу ҳақда Алишер Навоий шундай ёзган эди:

То ҳирсу хавас хирмони барбод ўлмас,

То нафсу ҳаво қасри борофтод ўлмас,

То зулму ситам жонга бедод ўлмас,

Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Демак, мамлакатимизнинг обод бўлиши, равнақ топиши, халқимиз фаровонлиги маънавият ва маърифат соҳасида шахсни мантизам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш билан бевосита боғлиқ. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одаб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак”.¹

Инсоннинг комиллик даражаси унинг жамиятдаги ўз ўрнини қанчалик билгани, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми эканлигини қанчалик ҳис этиши билан белгиланади. Шундагина инсон ўзининг қадр қиммати билан нечоғлиқ боғлиқ эканлигини, жамиятда, юртида содир бўлаётган воқеаларга

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд-Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 91- бет

дахлдорлигини англайди. Юртимиз мустамлакачилик асоратига тушган XX аср бошларида юрт қайғусида ёнган Фитрат ўлканинг бошига балоларда аввало ўзини айбдор деб ҳисоблагани бежиз эмас. Амир Темур руҳига мурожаат этиб, у шундай деб ёзган эди: “ Юқорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим. Барчасини ўзим қилдим:

Сенинг Туронингни ўзим талатдим,

Сенинг турклигингни ўзим эздирдим,

Сенинг иомонатларингга хиёнат ўзим қилдим.¹

Шу эмасми комилликнинг белгиси? Миллий ўзлигини англаган инсонгина, Фитрат каби “Туроним, сендан айрилмоқ-менинг учун ўлимим, Сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдир”,² дея баралла айта олади. Нажмиддин Кубро сингари жонини сақлашни эмас, ёв босган юртини ҳимоя қилиб, жон таслим беришни афзал кўради.

Ўзлигини англаган инсоннинг маънавий юксалишига эришади, ҳар қандай шароитда эзгуликка чоғланади.

Маълумки инсон “бир парча гўшт” бўлиб дунёга келади ва у дастлаб табиий инстинклар билан яшайди. Секин-аста ўзи яшайдиган оила муҳити, кейинроқ маҳалла, таълим олган билим даргоҳи, жамият таъсирида инсон дунёқараши шаклланади, шахсга айлаб боради. Жамиятдан ташқарида эса у ҳайвонот дунёсининг бошқа вакилларида унчалик фарқ ҳам қилмайдиган ўзлигини англашга қодир бўлмаган оддий жонзодлигича қолади. Жамиятдан ташқарида ўзининг инсоний сифатларини сақлаб қолган Робинзон Крузо ёки Маугли каби абадий қаҳрамонлар фақат ҳаёлот маҳсулидир.

Машҳур инглиз ёзувчиси Даниэль Дефони Робинзон образини яратишга туртки берган реал шахс – Александр Селькирк тарихи бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўзи билан зиддиятга берган бу матросни кема кпитани кимсасиз оролга тушириб қолдиради. Ёлғизликда у атига 4 йилдан сал кўпроқ вақт ўтказди. Аммо шу қисқа вақт ичидаёқ у одамдек сўзлашни, муомила

¹ А.Фитрат Танланган асарлар. Т.1,-Т.: “Маънавият”, 2000, 34-бет.

² Уша асар, 32-бет.

килишни унутади, бир сўз билан айтганда, буткул инсоний қиёфасини йўқотади.

Демак, кишининг Инсон мартабасига эришмоғи, ўзлигини танишида ижтимоий муҳит ва жамиятда орттирган тажрибаси, билимлари, тарбияси бирламчидир. Инсон тафаккури оила. Жамиятдаги тарихий шарт-шароит, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий ҳолатлар таъсирида шаклланар экан, унинг ўзлигини англашида, жамиятнинг узвий, ажралмас қисми сифатида миллий ўзлигини англашда таълим-тарбиянинг аҳамияти бениҳоя катта. Чунки “Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллий қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин”.¹

Демак миллий ғоя воқеликка айланиши, тараққиётга хизмат қилиши учун миллий маънавий тикланиш замирида фуқароларимиз онгу-тафаккурини ўстириш зарур бўлади. Миллий ўзлик туйғусини уни қадрлашни тарбиялаш лозим. Абдулла Авлонийнинг айтган “тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё момот, ё нажот- ё фалокат масаласидур”, деган сўзлари бугунги кунда янги мазмун касб этиб ўз долзарблигимни йўқотмаган. Авлоний яна дейди:

Худонинг раҳмату файзи ҳамма инсонга яксардур,
Ва лекин тарбият бирла етушмак шарт акбардур,
Туғуб ташлов ила бўлмас бола бўлғай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, булур ул раҳнамо сизга.
Темурчинингболаси тарбит топса, булур олим,
Бузулса хулқи, Лукмон ўғли бўлса, бўлғуси лозим.
“Ёмонларга қўшилди Нухнинг ўғли бўлди беимон,
Юруди Кахф ити хублар ила бўлди оти инсон”.²

Маънавият билан қувватланмаган билим ёввойи одам қўлидаги чўқморга айланади”, деган эди бир аллома. Кишилиқ тарихида ўз билими, истеъдодини

¹ И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 325-бет.

² А.Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.: 1998, 35-36-бетлар.

нопок ишларга, бузғунчиликка сарф этиб, ўз яқинлари, халқи бутун инсоният бошига кулфат ёғдирган кимсалар оз бўлган дейсизми? Ёзувчимиз Ўлмас Умарбеков шу маънода “Олим бўлиш осону, одам бўлиш қийин экан”, деган эди. Шу маънода жаид зиёлиларидан бири Муҳаммад Саид “Ойна” журналидаги мақоласида (1914 йил 31-сон комил инсон тарбияси ҳақида фикр юритар экан, Ибн Маъсуднинг гапларини келтирадики, жаидларнинг бу борадаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганини кўрамиз. “Ҳар кишининг иймони илми қадар, ҳар кишининг саъйи номуси қадар, ҳар кишининг номуси виждони қадар ва ҳар кишининг виждони ҳам анинг адаб ва тарбияси қадардир!”¹

“Жамият маданиятсиз маънавий ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировард-оқибатда таназзулга юз тутди”. Президент И.А.Каримовнинг ҳикматга айланган бу сўзлар башарият тарихи, хусусан, халқимизнинг минг йиллик маънавий ахлоқий юксалик тарихи борасидаги чуқур билимлар натижасидир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1X сессиясида (29 август 1997 йил) сўзлаган нутқларида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар мазмунини шундай белгилаб берган эди: “Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак”.²

Айни шундай таълим ва тарбия кўрган шахсларгина “ким эдик?”, “ким бўлдик?” “ким бўлмоқчимиз?” деган саволларга тинимсиз жавоб излайди. Шунда кишиларимиз миллий маданиятимиз сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлишни ўрганади, жаҳон маданиятини чуқурроқ билишга, умуминсоний қадриятларга таяниб яшашга интилади, анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунликда кўра билади. Шундагина халқимиз миллий ўзлигини кундан-кунга теран англаб, маънавий юксалишга эришади, келажакку равшан кўз билан қарайди. Ана шунда миллий ғоя моддийлашади ва тараққиёт омилига айланади.

¹ “Ойна” (1914-1945 й.) –Т.: “Академия”, 2001, 22-бет

² И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 331-бет.

II-боб. Ўзликни англашнинг кўринишлари ва хусусиятлари

2.1. Миллий ва умуминсоний ўзликни англаш

Инсоният фалсафий тафаккури тарихида ўзликни англаш масаласи турлича талқин этилган. Инсон жисмининг ўткинчилиги, руҳининг эса абадийлиги (черков отаси Августнинг “жон рух учун қафасдир”, деган фикрини эсланг) масаласини зоҳирий (дунёвийлик нуқтаи назаридан) талқин этганлар инсон ўзлигини дунёдан юз ўчириб, ёлғизликда ибодат билан кун ўтказгандагина, оддий сўз билан айтганда, тарки дунё қилгандагина топиши мумкин деган фикрга келадилар.

Ислом Шарқида дунёни ўткинчи билиб ижтимоий фаолиятдан қочиш, фақат Оллоҳ зикри билан яшаш тамойили алоҳида ўринга эга. Луранинг фалсафасида “таркидунёчилик ғоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолликдан бутунлай четлашганлар, сурункали таот-ибодат билан шуғулланганлар”.¹

Тасаввуфдаги “ўзлатга чекиниш” ғоясини ҳам баъзан тўғридан-тўғри таркидунёчилик маъносида талқин этишга уринишган. Аммо “ўзликни англаш” бош мақсади бўлган тасаввуф аҳли ва тасаввуф ғояларидан қувват олган улуғ мутафаккирларимиз инсонни инсонга, Ватанга, халқига бўлган ҳар қандай ғараздан ҳоли, пок меҳрни тарғиб қилганлар.

Хусусан, улуғ мутасаввуф алломаБаҳовиддин Нақшбанд инсон ўз-ўзини англаб етиши орқали Ҳақни, ҳақиқатни танийди. Аллоҳ васлига етишади, дейди. Аммо ҳаётнинг яқуний мақсади бу эмас. Дилида Аллоҳ (“дилда ёр”) жо бўлган киши ишга киришмоғи (“даст ба кор”), эзгу ишларга қўл уриши лозим. Уасло элдан, халқдан ўзини айирмаслиги, аксинча Ориф одам Ҳақни дилда тутган ҳолда халқ билан бирга бўлиши лозим (“Хилватдар анжуман”).

Шу нуқтаи назардан, Фариддин Аттор дунёни қайнаб турган қозонга мензаб, инсонни ана шу “қозон”да қайнашга ундаган эди. Шундагина инсон

¹ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб.-Т.: “Ёзувчи”, 1996, 15-бет

пишиб етилади, комилликка эришади. Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва юрт қайғусида яшаган жаҳид зиёлилар, яна ўнлаб, юзлаб улуғ аждодларимиз ҳаёти ўз тақдирларини халқ, миллат, бутун инсоният тақдири билан узвий боғлиқликда кўрганлар. Инсон ўзлигини англашини ижтимоий муносабатлар асосида кўришни орзу қилган ҳазрат Алишер Навоий буни аниқ қилиб шундай ифода этган эди:

“Одаме эрсанг демагил одаме-

Ониким йўқ халқ ғамидан ғами”.

“Ўзликни англаш”, “Миллий ўзликни англаш” ва миллий ғоя узвий бир-бири билан боғлиқ. Мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражаисга кўтарилган. Негаки, чоракам бир аср давомида ҳукмронлик қилган истибдод назарияси ва мафкураси ўз-ўзини англаш ҳиссини йўқотиб борди. Миллий ўзликни англаш масаласи фалсафада ишланмади. Бунинг сабаби миллий ўзликни англаш мустақиллик ғояси билан боғлиқ эди. Шунга кўра миллий истиқлол ғояси тарихий хотирани ўйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони сифатида халқимизнинг туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзолқарини бирлаштирувчи ғояга айланиши мумкин. Шرق ва Ғарбда, Осиё ва Европа халқлари ҳаётида ҳам ўзликни англаш туйғусини ўйғотиши, пировард натижада, уларнинг юксалишига, бирлашишига, бошқа халқлар билан ижобий, ўзаро манфаатли ҳамкорликка киришувига туртки бўлган. Шу нуқтаи назардан, миллий ғояни-миллий ўзликни англатувчи омил дейиш мумкин. Демак, миллат ўзини халқ сифатида, эл сифатида англамаса, у ўзининг шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси ҳақида қайғуриб, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тўла ҳис эта олмайди.

Шарқ донишмандларининг фалсафий ғояларида синкретик (янги турлича ғояларнинг бир бутунликда жойлашуви) васинергетик (ўз-ўзини такомиллаштирувчи, кенг, кўп ўлчовли ва очиқ тизимли) тафаккур услубининг устиворлиги яққол кўзга ташланади.

Зеро, маънавий қадриятларга, ҳаётни эъзозлашга ундайдиган юксак коидалар, нормалар, меъёрларга эътибор сусайганда жамият, давлат ривожланишдан қолади, инқироз томон боради. Аксинча, маънавий қадрият, ўзликни англаш миллий ва бошқа англашларга эътибор кучайса ривожланиш янада юксакроқ пағоналари сари давом этади.

Одамзот, жамиятни қандай қилиб уйғун асосида ривожлантириш, мамлакатни қудратли ва обод қилиш, инсонни эркин ва бахтли этиш тўғрисида қадим-қадим замонлардан буён бош қотириб келади. Ҳар бир тарихий давр кун тартибига қўйган бу мураккаб саволларга олим ва файласуфлар сиёсатчи ва давлат арбоблари ўз билим ва тажрибаси, ўзи мансуб бўлган давр нуқтаи назаридан жавоб излаган. Чунончи, қадимий хатой донишмандлари Конфуций ва Лао Цзи юнон файласуфлари Платон ва Аристотель буюк мутафаккир аجدодларимиз Фаробий ва Ибн Сино каби алломаларнинг асарларини, Амир Темур ва Улуғбек каби буюк давлат арбобларининг сиёсий фаолиятини ва саволларга конкрет тарихий шароитдан келиб чиқиб берилган назарий ва амалий жавоблар сифатида қабул қилиш мумкин. Табиийки, тарихда улардан бошқа яна қанчадан-қанча мутафаккир ва арбоблар ҳам бу масалаларга муайян тарзда муносабат билдириб ўтган.

Глобаллашув ва ахборот асри бўлган бугунги даврда, албатта, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ниҳоятда кучайиб, беқиёс ранг-баранглик ва мураккаблик касб этмоқда. Бундай шароитда жамият тарққиётига таъсир кўрсатадиган янги омиллар пайдо бўла бошлади. Уларнинг барчасини теран англаб, таҳлил қилиб, амалий сиёсатда ҳисобга олиш Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда, давр даъватларига тўла жавоб бера оладиган баркамол авлодни вояга етказишда, ҳеч шубҳасиз, миллий ва умумбашарий ўзликни англаш муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ва инсон эҳтиёжлари шунчалик хилма-хил ва мураккабки, улар орасидан энг муҳимларини ажратиш кўрсатишнинг ўзи мушкул. Инсон яшаши, бола-чақаси ва рўзгорларини боқиши учун барқарор даромад

манбаига эга бўлиши лозим. Оч одамнинг қулоғига қўшиқ ҳам панд-насихат ҳам кирмайди, гўзаллик ҳам, санъат асари ҳам кўзига кўринмайди Шунинг учун ҳам И.А.Каримов “аввал иқтисод деган тамойил инсон ва жамият ҳаётида ҳамиша долзарб бўлиб келган. Айни пайтда инсон фақат қорнини ўйласа, нафс қулига айланади, эзгулик ва ёвузликнинг фарқига бормай қолади, ундаги ҳайвоний майллар инсонийликдан ўчун келади. Шу боис маънавият, маънавий юксалиш, ўзликни англаш ҳам ўта долзарб масала.

Лекин, башарият тарихи шуни кўрсатадики, моддий ва маънавий эҳтиёжлар ҳамма замонларда ҳам бир хил мутаносиб ривожлантирилмаган. Натижада жамият бир томонлама тараққий этиб, охир-оқибатда қўплаб чигал муаммолар гирдобига қолиб кетган. Одамзот қанчалик ҳаракат қилмасин, моддий ва маънавий ҳаёт ўртасида мутаносиб уйғунлик ўрнатиш йулларини топа олмаган ёки тарихий вазият бунга имкон бермаган. Қачон ва қайси давлатда жамият ҳаётининг устивор йўналишлари ҳисобга олинса, ўша жойда тараққиёт юз берган. Хорун ар Рашид, айниқсахалифа Маъмун даврида ислом цивилизацияси ва маданияти тез тараққий этган. Буюк бобомиз Амир Темури фаолиятида ҳам иқтисодиёт, ҳунармандчилик ва ободончилик билан бир қаторда адолатни қарор топтириш, дину диёнат, илм-фан, адабиёт ва санъатни ривжлантириш, ҳулас маънавиятга, жумладан ўзликни англашга ҳам катта эътибор қаратилган.

Мустақилликка эришган илк кунларимиздан бошлаб юртимизда жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожланишига, ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада буюк аجدодларимиз бошлаб берган анъаналар замон талаблари асосида давом эттирилмоқда ва моддий иқтисодий омиллар билан бир қаторда маънавий омиллар ҳам, жумладан, ўзликни англаш ҳам ўқув-тарбия аҳамияти кўсатилмоқда.

Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, инсон ижтимоий жиҳатдан фаол яратувчи бўлиши учун, ўзини тўлиқ англаши учун, миллий ўзликни амалга ошириш учун эркин ва ижодий фикрлайдиган, ташаббускор ва тадбиркор,

замоанвий билимларни пухта эгаллаган, ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўғри англаб, тўғри қондира оладиган бўлмоғи лозим.

Халқимизнинг азалий қадриятлари ҳақида фикр юритганда, жумладан, меҳр-оқибат, меҳр муҳаббат, меҳр-шавқат, кадр-қиммат каби тушунчаларни бошқа тилларга таржима қилиш анча мушкул экан. Айнан ана шундай ноёб қадриятлар, масалан, жамоавийлик туйғуси халқимизнинг маънавий ва қиёфаси, дунёкараши, феъл-атворининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатганлигини асослаб беради.

Инсониятнинг кўп мингйиллик тажрибасидан келиб чиқиб, ўзлик, ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш миллат, халқ, элатни маънавий ривожлантиради, унинг эркинлигини нафақат юксалтиради, балки уни турли тажавузлардан сақлайди, муҳофаза этувчи қудратли куч бўлиб хизмат қилади. Шу маънода И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Дунёдаги зўравон ва тажавузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни, энг буюк бойлиги бўлиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидадан жудо қилишга уринади”.¹ Айни пайтда ҳозирги мафкуравий кураш кучайган пайтда маънавий таҳдидларга тўхталиб И.А.Каримов шундай деган эди: “Маънавий таҳдид деганда, аввало тили, дини эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашга қарши қаратилган, унинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлаганман”,² дейди. Маънавий таҳдидга қарши курашиш инсон эркинлиги учун курашдир. Маънавий таҳдидлардан фақат миллий ғоямиз, миллий маънавий қадриятларимиз ёрдамида ҳимояланишимиз лозим.

Маълумки, миллий жараёнлар ривожланишининг ҳозирги тарихий босқичи кўрсатишича, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омиллар миллат ривожланишида муҳим омил ҳисобланади, аммо моддий ўзликни англашни

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008, 11 -бет

² Ўша асар, 13-14 бетлар.

ҳисобга олмасак иқтисодий ва ижтимоий –сиёсий омилларнинг салоҳиятини тўлақонли кўрсатишга ҳалақит беради. Яъни унинг акс таъсири жараёни ўзининг ифодасини тополмайди. Миллат мавжуд экан миллий ўзини янгилашнинг ўсиш тенденцияси барқарорлик характери касб этади. Чунки миллатни мустақил субъект эканлигини худди ана шу омил белгилаб келади. Бундан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий салоҳиятнинг “қолдиқ” шароитларда ҳам ҳар бир миллат “ўзини сақлаб қолишга” ҳаракат қилиши ҳақиқат эканлиги келиб чиқади.

Миллий ўзини англашнинг қарор топиши ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланиши билан бирга у жамиятнинг янгилашиб боришига, миллат эҳтиёжларини кучайиб боришини таъминлайди. Айни бир вақтда у жамиятдаги “оғриқ” жойларни юзага чиқишига олиб келишида ҳам устивор омилга айланиши мумкин. Ана шу ҳулосаларга асосланиб, миллий ўзликни англашга қўйидагича таъриф-тасниф бериш мумкин.

Шундай қилиб, ҳар бир миллатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчиси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлиги тушуниб етишга миллий ўз-ўзини англаш, дейилади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллат шаклланишининг маълум нисбий юқори босқичининг мезонидир. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириш ва давлат атрофига бирлашишлари мумкин. Аммо унинг миллий ўз-ўзини англаш даражасига кўтарилиши мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки у миллат вакиллариининг аксарият кўпчиллик қисмининг моддий ва маънавий бойликларга эга эканлиги ҳиссиётларини устивор қўя билиш даражасига кўтарила билиши билан боғлиқдир.

Миллий ўз-ўзини англаш реал моддий куч сифатида миллат шаъни, кадр-қиммати, обрў-этибори, ор-номуси поймал этилганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларига зид иккинчи бир томондан зўравонлик ҳаракатлар юзага келтирилган ҳолатларда намоён бўлади. Шаъни кадр-

киммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймал этилган миллат вакиллари қайси лавозимда ҳимоя қилиши бой ёки камбағал бўлишидан қатъи назар ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашадилар ва ўзлигини ҳимоя қиладилар.

Шу тариқа миллий ўз-ўзини англаш миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи моддий кучга айланади.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни чор империяси бу ўлкани босиб олгандан кейин ўз мустақиллиги учун курашларда, шўролар тузуми шароитида ўзлигини сақлаб қолишга бўлган ҳаракатларда моддий кучга айланиб келди. У ўзбек миллатининг ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўз-ўзини англаши икки йўналишда собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларини, кадр-қимматини, кадриятларини тиклаш ва маънавий меросларини ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ва янги адолатли демократик ҳуқуқ устиворлигига асосланган жамият қуриш билан боғлиқ бўлган ислоҳатларни ўтказиш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги умуммиллий ҳаракатларда намоён бўлмоқда.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланиб бориши ёки бу миллатни ўзга миллатларда ажралиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларнинг мустаҳкамланиб боришига ёрдам бериб бораверади.

Миллатларнинг ўз-ўзини англаши қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг ўз муаммоларини ҳал қилиш имконияти ҳам кенгайиб боради. Ўз-ўзини англаган миллатнинг миллий борлиги ҳам мутаҳкам бўлади. Миллий биролик ўз навбатида миллат абалийлигининг барқарор муҳим шarti ҳисобланади. Шунинг учун мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир.

“Ўзликни англаш”, “миллий ўзликни англаш”, ва ниҳоят “Умумбашарий ўзликни англаш” тушунчалари бир-биридан айри эмас, балки бир-бири билан узвий алоқадор, бир-бирини тақозо этади, Зеро, инсон

ота-она, оила, миллат, аҳли башар, борингки, бутун борлиқ билан муносабатлар асосида шаклланган миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида миллий ғоя тамойиллари шаклланган ва ўз навбатида, миллий ғоя уларни замон талаблари асосида бойитиб боради.

XX аср сўнги чорагида шаклланган асосланган цивилизацион таълимотга кўра 1978 йилдан эътиборан инсоният постиндустриал цивилизация босқичига чиқди. У тахминан 2220 йилларгача давом этади. Тараққиётнинг бу босқичида қалоқ ва ривожланмаган мамлакатлар, халқлар, миллатлар илғорлар даражасига чиқиши зарур.

Шу нуқтаи назардан сайёрамиздаги барча халқларнинг миллий ўз-ўзини англаш умуминсоний ўзликни англаш даражасига чиқиши керак. Бу жараёнда бирон халқ ўзини ўзи англамаган бўлиши мумкин эмас, балки ҳар бир халқ ривожланиши кўзда тутилган. Умуминсоний ўзликни англаш жаҳон миқёсида бу соҳадаги эришилган ютуқларни янада юқорироқ пағонага кўтаради.

2.2. Ўзликни англаш ва тарихий хотирани тиклаш.

Тарихий хотира-аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликларни кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, қадрланиши. Инсон ўзининг тарихий хотирасига эга бўлмасдан туриб, ҳаётида бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етаолмайди. Ўз келажагини тасаввур қила олмайди.

Тарихий хотирага биринчи марта юнон файласуфи Аристотель ўзининг хотира ва эсталиклар ҳақида “асарида кенгайтирилган концепцияни илгари суради. Унинг фикрича хотира инсонга хос, фикрлай оладиганларга хос” деб айтган эди.

Янгм замон даврида Гоббс, Локк тажриба муаммолари, душман, зарарли ғоялар ҳақида таълимотни танқид қилиш жараёнида хотира ҳақида ҳам тўхталади.

Хотира ҳақида биринчи экспрементал тадқиқотни немис психологи Г.Эббингауз (1885), АҚШлик Э.Горндайк, Дж.Уотсон тадқиқ қилган.

Немис психологлари Э.Геринг (1870), Р.Земон (1904) ва Э.Блейлер (1931) хотирани тадқиқи қилишга интилдилар. Собиқ иттифокда Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, П.И.Зинченко, А.А.Смирнов, П.П.Блонскийлар ҳам хотира ҳақида ҳам тўхталиб ўтганлар.

Умуман олганда тарихий хотиранинг роли катта. Шу сабабдан ҳам И.А.Каримов таъкидлаганидек “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Тарихий хотира, маданий мероснинг шакллари ва ривожланиши учун асосий манба вазифа вазифасини бажаради. Худди шунинг учун ҳам, ҳамма замонларда ҳалқнинг, миллатнинг тарихий хотирасини мустаҳкамлаш юртнинг буюк алломалари, давлат арбоблари диққат эътиборида бўлган.

Абу Наср Фарбий тушунтиришича тарихий хотирани ҳар бир миллат, ҳар бир ҳалқ яратган маънавий, бойликлар умуминсоний маданий мерос билан бирлашганда, умуминсоний маданий мерос ҳазинасига қўшилган пайтдагина содир бўлади. Унинг ёзишича: “Одамларнинг бир авлоди бўлиб

кетгач, уларнинг жисмлари йўқ бўлиб кетади, аммо руҳлари вужуд (киёфаси)дан кутулиб саодатга эришадилар. Сўнг бошқалар уларнинг ўрнини эгаллаб, улар қилган ишларни қиладилар. Бу авлод одамлари ҳам дунёдан ўтгач, худди шундай йўл билан руҳлари аввалгиларнинг изларидан бориб, киёфалари (феъл ва фазилатлари), қуввати ва сифати ўхшаш, яқин руҳлар билан қўшилишлари мумкин. Аммо бир қанча ўхшаш руҳлар бир-бирлари билан қўшилганларида ҳар қанча кабир (ўлкан) бўлсалар ҳам, (жисмсизлиги туфайли) макондан бир-бирини сиқиб чиқиб чиқараолмайдилар. Чунки улар ҳеч қачон маконни эгалламайдилар ва руҳларнинг қўшилувлари таналарининг қўшилувидай юз бермайди”.

Инсоният авлодларининг ўзаро алоқадорлиги натижасида вужудга келган қадриятлар. Яъни аجدодлар ва авлодларнинг руҳий-маънавий мероси умуминсоний маданий мерос ҳазинасига қушилади ва аста-секин тарихий хотирага айланиб боради. Бошқача айтганимизда тарихий хотира инсониятнинг барча аجدодлари руҳини, яъни уларнинг фикрлари ғоялари ва эътиқодлари, орзулари ва истакларини ўзида мужассамлаштиради. Худди шунинг учун ҳам, инсоннинг руҳий-маънавий етуклиги, унинг тарихий хотираси билан боғлиқ. Тарих инсон учун буюк хотира вазифасини бажаради.

Тарихий хотирани тиклаш, уни чуқур билиш ўтмишни тўғри тушунишга, бугунги миллий мустақиллигимизни эъзозлашга, авайлаб асрашга, буюк келажагимизни тўғри, одилона белгилаб олишимизга, ёрқин йўлимизга ёрдам беради. Шу маънода И.А.Каримов “Мустақил ўзбек давлати халқимизнинг тарихий ютуғидир”, деган эди.

И.Каримов Ўзбекистон ХДПнинг таъсис қурултойида “Биринчидан, ўтмишда содир бўлган барча воқеалар-яхшиси ҳам, ёмони ҳам-бизнинг тарихимиз, ота-боболаримиз хотираси. Шу боисдан ҳам тарихнинг халқ учун энг оғир ва шу билан бирга азиз бўлган саҳифаларига асло қора бўёқ суркат бўлмай”, деган эди.

Биз Ватанимизнинг бутун тарихи тўла-тўқис, ҳеч қандай ғоявий либосларни кийдирмасдан, яъни, унинг ўзи қандай бўлса, худди мана шундай ҳолда халқ мулкига айланишини истаймиз”, деган эди И.А.Каримов.

Авлод-аждодаларимизнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий имкониятлар миллий бойлик бўлиб, инсонлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

Миллий ғоя халқимизнинг қадимий ва бой тарихидан, улуғ аллма аجدодларимизнинг ҳимматлари ва ҳаётий ўғитларидан, бунёдкор ғояларидан, яшаш ибратидан озуқа олган. Чунки тарих-буюк мураббий, тарбия ва ибрат манбаидир.

Ўзликни таниш тарихни билишдан бошланади. “Етти пуштингни билгин”, дейди доно халқимиз. Шунинг учун ҳам қадимги Хитой донишмандлари инсонни гавдаси олдинга юзи эса ортга қараган ҳолда тасвирланганлар. Яъни уларнинг наздида инсоният келажак сари интилар экан, утмишни доимо ёдда сақламоғи шарт. Бу кўҳни ҳақиқатни теран англаган Президент И.А.Каримов “Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида Ўзбекистоннинг 5 йиллик мустақил тараққиёт йўлини таҳлил этиб, истиқболдаги вазифаларни белгилар экан, бундай деган эди: “Тарих хотираси, халқнинг жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди”.¹

Давлат, жамият ҳаётий асосларга таянган бунёдкор ғояларга таянсагина маънавий жиҳатдан юксалади, тараққиётга эришади. Юртимизнинг узоқ ва ғоят мураккаб тарихи қайта-қайта исбот этган ҳақиқат бу. Биргина Амир Темур ва темурийлар даври тарихимиз бунинг ёрқин исботи бўла олади. “Инсонлик оламини қанотлари остинда олган” (Фитрат) Темурийлар салтанати бир неча асрлар мобайнида гуллаб яшнади, улуғ алломаларни

¹ КаримовИ. Хавфсизлик ва барқарор тарққиёт йўлида. 6-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 127-б.

дунёга келтирди, илм-фан, маданиятда етакчиликка эришади. Бунинг сабаби нимада эди? Жавоб битта: Амир Темур мамлакат ижтимоий-сиёсий бухрон исканжасига тушиб қолган, феодал тарқоқлик ва ўзаро нифоқ авж олган бир шароитда халқни ўз ғоялари атрофида бирлаштира олди. “Мен ўз салтанатимни дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим,-деган эди улуғ соҳибқирон,-Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим”.¹

Амир Темур наздидаги “тузук” бизнинг кундаги “миллий ғоя” мазмунида келаётганини англаш қийин эмас ва буюк бобокалонимиз фикрича: “Давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, бундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди”.²

Тарихий хотира миллатга куч-қудрат бағишлайди, ҳаётнинг оғир синовларини муносиб енгиб ўтишга ўзлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ўзга халқларни тобе этишган уринган босқинчилар халқни ана шу қудрат манбаидан айиришга, шаҳар ва тарихий обидалари, маданий ёдгорликлари ва аждодларининг маънавий меросидан маҳрум этишга ҳаракат қилганлар.

Хусусан, Туркистон ўтказини ўз мустамлакасига айлантирган Чор Россиясининг генерали М.Г.Черняев подшога ёзган махфий хатида билдирилган фикри бунинг ёрқин далилидир: “Бу ерда ҳар қандай қўшинни тўзғатиб юборадиган бир қудратли куч бор: бу туркистонликларнинг кечмиш хотираси... Демакки, туркларнинг биргина ўзини енгиш кифоя эмас. Уларнинг хотираларини, тарихини ҳам енгмоқ керак”.

Ғоя халқнинг ўтмиши, бугунги ва келажагини боғлаб турувчи фикр экан, у, аввало, миллий маънавиятимизга таянади, халқимизнинг маънавий меросидан озуқа олади, Миллий ўзига хослигини сақлаб туришга, миллий манфаатларни амалга оширишга ва миллий тараққиёт йўлларини белгилашга

¹ Амир Темур ўғитлари.-Т.:”Наврўз”, 1992, 19-б.

² Ўша асар 18-19-бет

хизмат қилади. Европа жамияти ҳаётида улкан силжишлар содир бўлаётган XVIII асрда машхур француз маърифатчиси Жан Жак Руссо миллийлик, миллий характер ҳақида бундай деган эди: “Биз таънишимиз керак бўлган биринчи тамойил-миллий характердир: ҳар бир халқ миллий характерга эга ёки эга бўлиши лозим; халқда у бўлмаган тақдирда ишни унга бундай характерни беришдан бошлаш керак бўларди”.¹ Бир қарашда Руссонинг фикрида маълум бурттириш бордек туюлади. Лекин унинг ватани Франция тарихига назар ташланса, бу фикр тарихий асосга эга эканлиги маълум бўлади. Дастлаб қирол Генрих IV Франциянинг миллий давлат сифатидаги яхлитлигини тиклади. Унинг ишини давом эттирган ва Францияни амалда бошқарган Людовик XIIIнинг биринчи министри-кардинал Ришелье “Ватан ва миллат манфаатлари барча нарсадан устун”, деган ғояни илгари сурди ва мамлакатдаги ички низоларга барҳам берди, сиёсий, ижтимоий, маданий ислохотларни амалга оширди. Жумладан, ўзи асос солган Француз Академиясига умумфранцуз адабий тили луғатини тузишни топширди, санъат ва адабиётга ҳомийлик қилиб, давлат яхлитлиги ва халқ бирлигини таъминлашга қаратилган ўзига хос миллий ғояни тарғиб этишга сафарбар этди. III тариқа Ватан ва халқ йўлидаги фидойиликни олий бурч даражасига кўтарди, ишонч билан айтиш мумкинки, Франциянинг ўша даврда қудратли мамлакатга айлангани, ҳамда кейинги асрлар мобойнида Европанинг ўзига хос маданий маркази бўлиб қолганлиги айтилиши шу даврда шакллантира бошлаган “миллий характер билан боғлиқ бўлди. Ана шу тарихни чуқур билган Руссо: Ҳар қандай яхши ўзгаришларнинг умумий мақсадлари ҳар бир давлатда маҳаллий шарт-шароит ва аҳолининг ўзига хос хусусиятлари асосида шаклланадиган муносабатларга мувофиқ шакл олиши керак”,² деган фикрга келди.

Инсоният тарихидаги бундай мисоллар юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз,

¹ Руссо Ж.Ж Тракаты.-М.:1969, с-268.

² Ўша асар, с-480

тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз”,¹ деган сўзлари нақадар чуқур асосга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Аммо бу миллий ғоя ёки миллий ўзликни англашни ўз миллий қобиғига ўралиш, ўзга халқлардан устун қўйиш дегани эмас, албатта, қолаверса, Ўзбекистон (Марказий Осиё) ҳудудида азалдан турли элат ва миллатлар ёнма-ён инокликда яшаб келган. Бағрикенглик, меҳмондўстлик ўзбек халқининг қон-қонгига сингиб кетган қадриятга айланган.

“Меҳмон отангдай улуғ”, дейди халқимиз ва остонасидан хатлаб ўтган бегона одамни ҳам уйининг тўрига олиб чиқади, ўзи емаса-да, меҳмонни сийлайди.

“Манманлик,-деган эди машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлониёв,- жоҳилона кибру ғурурдан пайдо бўладурган энг ёмон хулқларнинг биридурки, кишининг ҳар ерда маюс ва маҳжуб қилур”,² Авлониёв инсон манманлиги ҳақида гапираяпти. Агар манманлик касалига миллат, халқ ёки бирон бир дин вакиллари учраса не оқибатларга олиб келади?. Мисоллар талайгина. Биргина ўз халқи онгига “олий ирқ”қа мансублик ғоясини сингдиришга уринган фашизмнинг бутун инсоният бошига ёғдирган балоларни ёки буюк давлатчилик шовинизми собиқ иттифокда яшаган элат ва халқларга келтирган азоб-уқубатларни эслаш кифоя. Айрим сиёсатдоғлар бугунги кунда ҳам диний, ирқий, миллий зиддиятларни авж олдиришга ҳаракат қилаётгани ва оқибат ўлароқ дунёнинг турли чеккаларида уруш олови алангаланаётгани барчага маълум.

Машҳур француз гуманист ёзувчиси фашизмга қарши урушда жонини фидо қилган Антуан де-Сент Экзюпери қайғу ва ҳасрат билан одамларни бир-биридан айирадиган миллатчилик, ирқчилик, мустамлака босқинлари ва урушлар ҳақида фикр юритиб, “Турли цивилизациялар бир-биридан фарқланиши ёмон эмас,... даҳшатлиси, уларнинг бир-бирини ейишга ҳаракат қилишидир”, деган эди. Кўпни кўрган, энг оғир ишларни зиммасига олишдан кўрқмаган Сент-Экзюпери инсоннинг ўзини англаши аҳли башар олдидаги

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд,-Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 144-бет

² Абдулла Авлониёв. Танланган асарлар. 2-жилд.-Т.: “Маънавият”, 1998, 80-бет

маъсулият ҳисси билан боғлойд. “Инсон бўлиш-бу маъсулият сезишингдир,-ёзади у, -ўзингга алоқасиздан туюлса ҳам қашшоқлик олдида андиша қилишингдир. Ўз гаштингни қўя туриб, дунёдаги бунёдкорликка кўмаклашганнингни ҳис этишингдир”.¹ Лўнда қилиб айтганда, ўзга миллат ва халқларни камситган миллат ҳеч қачон буюк бўла олмайди. Буюк Алишер Навоий бу ҳақда шундай дейди.

“Нафъинг агар халққа бешак эрур,
Балки бу наф ўзингга кўпроқ эрур”.

Шунинг учун ҳам миллий ғоя, бир томондан, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-ода ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашишни назарда тутса, иккинчи томондан , “Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни асраб-авайлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устиворлиги каби тамойилларга амал қилади”.² Демак миллий ғоя ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш ва умумбашарий ўзликни англашни узвий боғлиқликда кўришга даъват этиб, умуминсоний моҳият касб этади.

Мустақиллик шарофати билан “аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят ўлкан, бебаҳо маънавий ва маданий мерос тиклана бошланди” ва “ халқимиз ўзига хос маданиятининг соҳибига айланди”.³ Собиқ иттифок ҳудудидаги республикаларнинг сўнгги 10-15 йиллик тарихи шуни кўрсатиб турибдики, сиёсий эркинликни анча тез ва қон тўкмасдан қўлга қиритиш мумкин. Инсон, миллат табиий равишда фаровонликка интилар экан, унга замин ҳозирлайдиган иқтисодий эркинликка ҳам қисқа вақт ичида эришиш мумкин. Аммо тафаккур эркинлигига эришиши, инсон онгига зўрлик билан сингдирилган ёлғон

¹ Тафаккур гулшани.-Т.: 1989, 34-бет.

² Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 39-бет.

³ Каримов.И.А. Хавфсизлик ва барқарор тарққиёт йўлида. 6-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 125-б.

акидалардан, шўролар даврида орттирилган иллатлардан, фикрий карамликдан, маъновий қулликдан халос бўлиш анча мураккаб. Албатта, узоқ давом этган ягона мафкуравий тазйиқларга қарамай, халқимиз тарихи ва кадриятларини, ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга мувоффақ бўлди. Бироқ миллий ғоя замирида ётган узвийлигини аглаш, ҳаққоний тарихни бутун бойлиги ва мураккаблиги билан билгандагина мумкин бўлади. Акс холда у қуруқ сафсатага айланади, кундан-кунга сайёзлашиб бораверади, одий манманликдан нарига ўтмай қолади.

Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов тарихчм олимлар ва журналистлар билан суҳбатда : “ мадомики, ўз тарихини билган ундан рухий қувват олдиған халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш яна бир бор, қуроллантиришимиз зарур”,¹-дея алоҳида таъкидлаган эди. Миллий ғоя мустаҳкам ҳаётий заминга, халқимизнинг чуқур тарихий илдизларига таянади. “Ким эдинг?” деган саволга жавобни тинимсиз излашга даъват этиб, миллий ўзлигимизни теран идрок этишга ёрдам беради.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 5-жилд,-Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 149-бет

Хулоса

Миллий ўзлигини англаш жараёнида миллат келажаги бўлган ёшларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки ёшларимизнинг миллий ўзлигини англаши аجدодларимиздан қолдирилган моддий ва маънавий меросни, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни ўзлаштириш билан бирга, уларда миллий манфаатларни, Ватан тақдири ва мамлакат тараққиёти учун масъуллик туйғуларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Шунинг учун ҳам И.А.Каримов бугунги кунда маънавий соҳадаги вазифаларни белгилаб берар экан, комил инсон тарбиялаб етказишни бу йўналишдаги асосий вазифамиз бўлиши зарурлигини кўрсатиб берди. Бу ҳақда И.А.Каримов шундай ёзади: “Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади-имон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган шахс-комил инсонни тарбиялашдан иборат”¹.

Ана шу жаҳатдан қараганимизда мамлакатимиз ва миллатимиз тараққиётининг истиқболи кўп жиҳатдан ёшларимизнинг миллий ўзлигини англашининг ўсиш жараёнига ҳам боғлиқдир.

Афсуски, мустақиллик йилларида ёшларнинг миллий ўзлигини англашининг ўсиши ва бу жараёнда юзага келаётган янги муаммолар деярлик кам ўрганилмоқда. Бу ўз навбатида умуммиллий тараққиётимизда

Юзага келаётган муаммоларни олдинган билиш ва унинг олдини олишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам битирув малакавий ишимизда бу масалани имкониятимиз даражасида тадқиқ қилишга интилдик.

Ёшларда миллий ўзлигини англашнинг ўсиши, уларнинг миллий заминларга интилиши кучаётганлигига асосланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг XX1 асрда ислохатларни муваффақиятли амалга оширишда,

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.-Т.: “Ўзбекистон!”, 2000, 24-бет

жамиятда барқарорликни таъминлашда ва жаҳон қадриятлари тизимига кириб боришда миллий ғоямиз асосий “механизм” бўлиши мумкин.

Миллий ўзликни англашнинг энг муҳим манбаларидан бири бўлган миллий ғоянинг моҳияти, ривожланиш жараёнлари ва миллий тараққиётда тутган ўрни ниҳоятда каттадир. Фикримизча, миллий ғоянинг миллат тараққиётидаги ўрни ва миллий ўзликни англаш жараёнларининг шиддат билан ўсишида аҳамияти юксакдир.

Битирув малакавий ишимизда баён этилган фикрлардан келиб чиқиб қўйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

Биринчидан, миллий ўзликни англаш узоқ жараён бўлиб, у миллат, элат, халқ, шахс тараққиёти билан чамбарчарс боғланган бўлиб, у миллий мафкуранинг шаклланиши ва ривожланиши билан такомиллашиб боради;

Иккинчидан, миллий ғоя миллатнинг мақсад-муддао, орзу-интилиш, манфаатларини акс эттирар экан, табиий миллий ўзликни англаш ҳам жараёнида ўз ўрни ва аҳамиятга эгадир;

Учинчидан, ўзликни англашнинг ўзига хос кўринишлари миллий ўзликни англашдан иборат бўлади. Миллий ўзликни англаш миллат, элат, халқ манфаатларини, умуминсоний ўзлик сайёрадошларимиз манфаатларини ўзида акс эттиради;

Тўртинчидан, ўзликни англаш ҳар бир авлод томонидан ўз аждодларининг тарихий хотираси тиклаш ва кучайтириш билан боғлиқдир. Тарихий хотира эса миллатнинг барқарор ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, мустамлакачилик қарамлик тарихий хотирани сусайтиради ёки йўқотиб юбориш-мумкин.

Битирув малакавий ишидан келиб чиқиб маънавий-маърифий тадбирларга қўйидагиларни тавися этиш мумкин:

1. Ўзликни англаш жараёнига таълим-тарбия муассасаларида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнида катта эътибор бериш зарур;

2. Миллий мафкуранинг концепциясини ишлаб чиқиш давом этар экан, миллий ўзликни шакллантиришга эътиборни кучайтирмоқ керак;

3. Миллий ғоя ва ўзликни англашнинг уйғунлигини кучайтириш лозим;
4. Жамиятни янгилаш жараёни билан ҳам миллий ўзликни англашни кўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир;
5. Миллий ғоя, миллий мафкура, миллий ўзликни англашнинг турли таҳдидларининг маъно-мазмунини ёшларга тўла ва тўғри тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир;
6. Ўзликни англаш жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси -Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавиятсиз келажак йўқ”. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
3. И.А.Каримовнинг “Иқтисодиёт ва маънавият ажралмасдир”. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
4. И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
5. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият жамият тараққиётининг асоси”. -Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
6. И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
7. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч”.-Т.: “Маънавият”, 2008.
8. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. -Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
9. Н.Жўраевнинг “Янгиликлар концепцияси”. –Т.: 2008.
10. Н.Жўраевнинг “Тарих фалсафасининг назарий асослари”. –Т.: “Маънавият”, 2008.
11. А.Иброҳимов, Ҳ.Султонов, Н.Жўраев “Ватан туйғуси”. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
12. А.Эркаевнинг “Ўзликни англашга даъват”// Маънавий юксалиш йўлида.-Т.: “Маънавият”, 2008.
13. С.Отамуратов, С.Отамуратов “Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш”.-Т.: “Янги аср авлоди” 2003..
14. У.Саидовнинг “Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари”.-Т.: “Академия” 2005.
15. М.Қурононовнинг “Миллий тарбия”.-Т.: “Маънавият”, 2007.
16. Имомназаров М., Саидов У. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. -Т.: “Академия”, 2005.

Мундарижа

Кириш.....

I-боб.Мустақиллик ва ўзликни англаш, миллий ғоя ва мафкуранинг муҳим омиллидир.....

1.1.Мустақиллик, миллий ўзликни англаш ва миллий мафкуранинг шаклланиши.....

1.2.Мустақиллик, миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш.....

II-боб.Ўзликни англашнинг кўринишлари ва хусусиятлари.....

2.1.Миллий ва умуминсоний ўзликни англаш, унинг хусусиятлари.....

2.2.Миллий ўзликни англаш ва тарихий хотирани тиклаш.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар.....